



**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТА`ЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**УЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛТЕТИ**  
**УЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

**РАЖАБЗОДА МЕХРИНСО ХАЛИМОВНАНИНГ**

**«АЛИШЕР НАВОЙИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА САБАБ-  
ОҚИБАТ МУНОСАБАТЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ**

**5 А- 220101 – Адабиётшунослик (узбек адабиёти) мутахассислиги буйича  
магистр академик даражасини олиш учун тақдим қилинган**

**ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

**Илмий раҳбар:**

**филология фанлари  
доктори Афоқова Н.М.**

**Вухоро - 2012**

## **РЕЖА :**

### **КИРИШ**

#### **I боб. МУМТОЗ ЛИРИКА ВА САБАБИЯТ КАТЕГОРИЯСИ .**

- I.1. Сабаб ва оқибат – фалсафий категория сифатида .
- I.2. Мумтоз лирик жанрларда детерминизмнинг узига хослиги .

#### **II боб. ҒАЗАЛ ЖАНРИДА САБАБИЯТ .**

- II.1. Хамд ғазалларда сабаб-оқибат категорияси .
- II.2. Турли ғазал типларида сабаб-оқибат муносабатлари ифодаси .
- II.3. Навоий лирикасида “Боис” радифли ғазаллар .

#### **III боб. САБАБ-ОҚИБАТ КАТЕГОРИЯСИ ВА БАДИИЙ ТАСВИР ПОЕТИКАСИ .**

- III.1. Сабабият – ғазал композициясини уюштирувчи восита сифатида .
- III.2. Бадий сан`атлар ва сабабият .

### **ХУЛОСА**

#### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

## К И Р И Ш

**Мавзунинг урганилганлик даражаси ва долзарблиги.** Миллий мустақилликка еришилиши билан жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб узгаришлар содир була бошлади. Жумладан, утмиш миллий маданиятга, мумтоз адабиётга булган муносабатда холислик асосий тамойилга айланди.

Миллий истиқлол навоийшуносликда ҳам янги саҳифа очди. Биринчи навбатда шоир асарларининг чеклаш ва қисқартиришларсиз янги нашрлари амалга оширилди. Шуро даврида шоир ижодий мероси саҳифаларидан шафқацизлик ва нохолислик билан юлиб олинган “Арба`ин”, “Муножот”, “Сирож ул-муслимин” каби асарлари кенг китобхонлар оммасига тақдим қилинди. Купгина Шарқ шоирлари қаторида Алишер Навоий ижоди ҳам ислом мафқураси, тасаввуф та`лимоти билан боғлиқ еканлиги навоийшуносликка оид тадқиқотларда барала е`тироф етилди.

Халқимизнинг буюк мутафаккир суз устаси, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг бой ва улмас адабий мероси неча асрлардан бери мухлисларнинг севимли ма`навий мулкига айланиб қолган. Мумтоз адабиётимизнинг тараққиётига улкан хисса қушган, асарлари жаҳон маданияти хазинасидан муносиб урин егаллаган шоир ва мутафаккирнинг ижод сирлари, маҳорат қирралари, умрбоқийлиги омиллари адабиёт муҳибларида ҳамиша катта қизиқиш уйғотиб келган ва қатор тадқиқотларга манба булган. Истиқлол шароитида узбек халқи учун узлигини англаш, миллий қадриятларни тиклаш қанчалик муҳим аҳамиятга ега булса, бадий тафаккур тараққиётида узига хос урин тутган, бой ижодий мероси билан елимизни оламга танитган буюк сиймоларни урганиш ҳам шу қадар долзарб умуместетик аҳамият касб етмоқда. Чунки “мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан куп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо ма`навий ва маданий меросни тиклаш давлат

сиёсати даражасига кутарилган нихоятда муҳим вазифа булиб қолди”<sup>1</sup>. Алишер Навоий ана шундай сиймолардан булиб, жаҳон адабиёти равнақида етакчи роль уйнаган, суз сан`атини бемисл юксакликка кутарган, бадий тафаккур кудрати, асарларида олға сурилган илғор умумбашарий ғояларининг ахамияти бугунги кунда ҳам муҳим уринга ега булган мутафаккир адибдир.

Алишер Навоий ижоди нафақат туркий ёхуд Шарқ адабиёти, балки умумжаҳон адабиётининг нодир саҳифаларидан бирини ташкил қилади. Буюк суз сан`аткори яратган асарлар узининг юксак инсонпарварлик ғоялари, инсоний туйғуларнинг утли поетик талқини, оташин пафоси, айна пайтда туркий сузнинг чексиз имкониятларини намойиш ета олгани билан барча давр китобхонларига қадрли ва ахамиятлидир.

Алишер Навоий ижодини урганиш шоир ҳаётлик давридаёқ бошланган. XX асрга келиб адабиётшунослик янгича ёлдан тараққий қила бошлаганда, бинобарин, адабиёт тарихини изчил урганиш даври бошланганда Алишер Навоий ижодининг илк тадқиқотчилари Йевгений Бертелс, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдурахмон Са`дий каби олимлар булдилар. Ойбек, Мақсуд Шайхзода каби шоир ва ёзувчилар ҳам Шарқнинг буюк туркий шоири ижодига бағишланган қимматли тадқиқотлар яратдилар. Кейинги даврларда еса Порсоҳон Шамсиев, Хамид Сулаймонов, Воҳид Зоҳидов, Алибек Рустамов, Абдуқодир Хайитметов, Ботирхон Валихужаев, Азиз қаюмов, Суйима ғаниева, Ёқубжон Исҳоқов каби йирик навоийшунослар шоир ижодининг турли қирраларини чуқур урганиб, айна пайтда унинг асарларини араб ёзувидан ҳозирги ёзувга табдил қилиш, турли матнларни чоғиштириб нашр қилиш, тадқиқ қилиш билан шуғулландилар. Замонавий навоийшуносликда Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997. – 137-б.

Хаққулов, Райим Воҳидов, Султонмурод Олимов кабилар устозлар ишини давом еттириб, муайян ишларни амалга оширдилар.

Алишер Навоий ижоди қарийб юз йилдан буён замонавий узбек адабиётшунослиги тамойиллари асосида урганиб келинади. Навоийшуносликдаги дастлабки тадқиқотлар Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний қаламига мансубдир. Кейинги даврларда Хамид Сулаймон, Порсоҳон Шамсиев, Содик Мирзаев, Воҳид Зоҳидов, Иззат Султон, Алибек Рустамов, Азиз қаюмов, Абдуқодир Хайитметов, Абдуғафур Абдурашидов, Ботирхон Валихужаев, Суйима ғаниева, Хомиджон Хомидий, Ёқубжон Исҳоқов, Уммат Туйчиев, Баҳром Бафоев, Иброҳим Хаққул каби олимлар навоийшунослик соҳасида е`тиборга молик ишларни амалга оширдилар.

Алишер Навоий ижоди мавзу ва ғоялари, поетикаси, тасаввуф ва шоир ижоди, тарихий давр ва бадиий ижод сингари йирик ё`налишлардан ташқари кичик-кичик мавзулар доирасида ҳам урганган. Масалан, тадқиқотчи Насиба Бозорова Навоий ижодида кунгил образини, Наргиза Еркабоева шоир муножотларини, Ма`рифат Ражабова “Назм ул жавоҳир” асарини тадқиқ қилишган.

Алишер Навоий ижодини замонавий поетика нуқтаи назаридан урганиш ишлари Ёқубжон Исҳоқов томонидан бошлаб берилди. Олим “Навоий лирикаси ва янги давр поетикаси”<sup>2</sup> номли мақоласида ушбу масаланинг умумий тарҳини курсатиб берган. Олимнинг узи, шунингдек, Навоий лирикасида пейзажнинг ижтимоий-эстетик функцияси ҳамда шоир лирикасида сабабият масаласини урганган. “Навоий лирикасида сабабият” мақоласида масаланинг умумий ё`налиши курсатиб берилган, шунингдек, шоирнинг айрим лирик ше`рларидаги детерменистик муносабатлар таҳлилга тортилган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> O`sha manba, 46-66-б.

<sup>3</sup> Исҳоқов Ё. Навоий лирикасида сабабият // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами. – Т., Фан, 1993. – 13-26-б.

Шунингдек, Абдуқодир Хайитметов, Нажмиддин Комилов, Абдурашид Абдуғафуров, Нусратулла Жумахужа, Иброхим Хаққулов, Каромат Муллахужаева, Нодира Афоқова каби олим ва тадқиқотчиларнинг айрим мақолаларида Навоий лирикасида сабабият масаласига бевосита ёки билвосита дахл қилинади<sup>4</sup>. Аммо мазкур муаммо махсус адабий-илмий тадқиқот доирасида ҳар томонлама кенг урганилган эмас.

Зукко адабиётшунос олим Ёқубжон Исҳоқов “Навоий лирикаси ва янги замон поетикаси” номли мақоласида: “Янги давр адабиётшунослигида бадиийликнинг белгилари сифатида махсус урганиладиган бир қатор категориялар (гарчи уларнинг аксарияти Шарқ адабиётида ҳам мавжуд ва хатто юксак даражада булган булса-да) ан`анавий поетиканинг мазкур учлиги (илми аруз, илми қофия, илми бади` назарда тугилмоқда) доирасида учрамайди. Психологизм, сабабият-детерменизм, табиат тасвири (пейзаж), драматизм, композиция, макон ва замон сингари бир қатор проблемалар ана шулар жумласидандир.

Навоийнинг лирик мероси ана шундай масалалар борасида ҳам махсус мулоҳаза юритиш учун бой материал беради. Зотан, аслида бундай поетик истилох-тушунчалар, гарчи янги давр Ёвропа адабиётшунослиги билан алоқадор истилохлар булса ҳам, умуман, бадиий ижод учун хос категориялар булиб, Шарқ ше`рияти ва, хусусан, унинг Навоийдек буюк намояндлари ижодиёти учун ҳам бевосита тааллуқли. Бинобарин, мазкур проблемаларни Навоий лирикаси билан боғлиқ ҳолда урганиш, бир томондан, шоир бадиий маҳорати ва новаторлигининг янги жихатларини кашф этиш, иккинчи

---

<sup>4</sup> Қ.: Ҳайитметов А. Навоий лирикасининг баъзи масалалари // Навоий ва ижод сабоқлари. – Т., Фан, 1981. – 10-18-б.; Комилов Н. Комилов Н. Жон ва жонон можароси // Навоий А. Ғазаллар. Шарҳлар. – Т., 1991. – 92-98- б.; Абдуғафуров А. Мисралар жозибаси // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами. – Т., Фан, 1993. – 26-51-б.; Жумаев Н. Ғазалда ғоя ва бадиий маҳорат мутаносиблиги // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами. – Т., Фан, 1993. – 51-67-б.; Хаққулов И. Хаққулов И. “Ёшунғон эмиш қаро булутқа моҳим” / Хаққулов И. Шеърят. Рухий муносабат. – Т., Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 167-173-б.; Муллахужаева К. Ғазал ҳикмати // Навоийга армуғон. – Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 101-107-б.; Афоқова Н. Ўқинч ва изтиробнинг навоиёна яна бир талқини // Афоқова Н. Мутолаа. – Т., Академнашр, 2011. – 16-22-б.; Шу муаллиф. Ҳаётий тафсилотлар сири // Афоқова Н. Мутолаа. – Т., Академнашр, 2011. – 22-28-б.

томондан урта асрлар ше`риятининг юксак чуққиси ҳисобланмиш Навоий ижодий тажрибаларини аниқлаш ва пировард-натижада инсониятнинг бадиий тафаккури (миллий ва жуғрофий тафовутдан қат`и назар) учун хос булган умумий қонуниятларни тадқиқ етишга ёрдам беради”<sup>5</sup>, - деб ёзадилар. Мана шу еҳтиёж мазкур магистрлик диссертацияси мавзунинг долзарблигини тула асослайди, деб ҳисоблаймиз. Иккинчи томондан, сабаб-оқибат масаласини классик лирика (араб, форс, туркий) билан боғлиқ ҳолда урганиш шунинг учун ҳам долзарбки, сабаб ва оқибат категорияси утмиш Шарқ файласуфларининг муҳокама об`екти булган еса-да, поетика соҳасига татбиқ етилмаган. Шунинг натижасида шарқ лирикасида детерминизм (кенг ма`нода) йетишмайди деган нотуғри фикрлар ҳам юзага келган. Бунинг замини еса классик форс ва туркий ше`риятга, унинг поетикасига хос жиҳатларни ҳисобга олмасдан, Йевропа ше`риятининг қолиплари билан ёндашишдадир. Магистрлик диссертацияси, асосан, Й.Исҳоқов томонидан бошланган изланишларнинг мантиқий давоми сифатида тайёрланди.

**Мақсад ва вазифалар.** Мазкур магистрлик диссертациясини тайёрлашдан кузда тутилган асосий мақсад – Алишер Навоий лирик асарларида, асосан, ғазалларида детерминизм – сабабият ходисасининг воқеланишини кузатиш асосида мумтоз бадиий матнларни янги замон поетикаси нуқтаи назаридан, шунингдек, фалсафий категорияларнинг суз сан`атида намоён булиш ходисасини урганиш ва баҳолаш тажрибасини давом еттиришдир. Бу мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо етади:

- сабаб-оқибат муаммосининг фалсафий моҳиятини тайин етиш;
- сабабият категориясининг бадиий воқеланишини ёритиш;
- мумтоз лирик жанрларда детерминизмнинг узига хослигини очиб бериш;

---

<sup>5</sup> Исҳоқов Ё. Навоий лирикаси ва янги давр поэтикаси // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Т., Фан, 2001. – 46-б.

- ҳамд ғазалларда сабабият ходисасини кузатиш;
- ғазалнинг бошқа типларида детерминизм зуххуротини урганиш;
- детерминизмнинг ғазал композициясини уюштиришдаги роли ва ахамиятини текшириш;
- сабабиятга асосланган бадиий сан`атларни урганиш;
- фалсафа ва бадиий адабиёт диалектикаси ҳақида муайян хулосаларга келиш.

**Диссертациянинг тадқиқот объекти** сифатида Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” куллиётига кирган девонлар асос қилиб олинди.

**Диссертациянинг методологик асоси ва методи.** Диссертациянинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг китобларида, чиқишларида асослаб берилган истиқлол мафкураси ташкил қилади. Ойбек, М.Шайхзода, А.Хайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, Й.Исҳоқов, И.Ҳаққулов каби олимларнинг тадқиқотлари еса назарий асос вазифасини утади. Диссертацияда, асосан, анализ методидан фойдаланилди.

**Ишнинг илмий янгилиги** қуйидагилар:

- ушбу диссертацияда Навоий ғазаллари сабабият категорияси нуқтаи назаридан, умуман, фалсафа заминида, янги замон поетикаси нуқтаи назаридан биринчи марта яхлит ҳолда кенг тадқиқ етилди;
- сабабият ходисасининг бадиий воқеланиши эпик ва лирик асарлар материалида кузатилди;
- ҳамд ғазалларда қаламга олинган барча ҳолат-ходисаларнинг бош сабаби Ҳақ еканлиги аниқланди;
- сабабият ва бадиий тасвир поетикасининг диалектик алоқадорлиги текширилди;
- айрим бадиий сан`атлар сабабият ходисасига асосланиши аниқланди ва таҳлил қилинди;

- сабабият ходисасининг турли ғазал типларидаги асарларда воқеланиши қиёсан текширилди;
- мазкур таҳлиллар мисолида Навоий ижодига хос йетакчи тенденциялар яна бир қарра исботланди.

**Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти.** Мазкур диссертация доирасидаги кузатишлар Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги, шунингдек, узбек мумтоз адабиётининг фалсафий асосларига оид қарашларни тулдиришга хизмат қилади. Диссертация натижаларидан шоирнинг мукамал биографиясини яратишда, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид дарсларда, тадқиқот ва мақолаларда фойдаланиш мумкин.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 7 фаслни уз ичига олган уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат булиб, 76 саҳифани ташкил қилади.

## **И б о б**

### **МУМТОЗ ЛИРИКА ВА САБАБИЯТ КАТЕГОРИЯСИ**

#### **И.1. Сабаб ва оқибат – фалсафий категория сифатида**

Сабаб ва оқибат – фалсафанинг муҳим тушунчаларидан бири булиб, жуфт категориялардан бири ҳисобланади. У детерминизм термини билан ҳам ифода етилади. Детерминизм оламдаги нарса ва ходисаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги, та`сири ва акс та`сирини, воқеликка хос ана шундай муносабатлар жараёнидаги сабаб ва оқибат боғланишини ифода этади.

Сабаб оламнинг харакати ва бирон-бир вақт доирасида булган узгаришдан сунг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини та`минловчи асосий ходисани англатади. Оқибат еса ходисалар занжирида сабабнинг та`сиридан вужудга келадиган янги ходисадир, сабабнинг натижасидир. Сабаб ва оқибат боғланиши об`ектив характерга ега булиб, у нарса ва ходисалар орасидаги алоқаларда амал қилади. Масалан, минг йиллар давомида Йер куррасидаги иқлимий шароитнинг узгариб бориши усимлик ва хайвонот дунёсининг узгаришига сабаб булди. Ёки қадим замонлардан бошлаб меҳнат қуролларининг мукаммаллашиб бориши меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳам, ишлаб чиқаришнинг ривожига ҳам, охир-оқибатда еса инсоният жамияти тараққиётига ҳам сабаб булди. Нарса ва ходисалар уртасидаги сабабий алоқаларнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар умумий характерга ега. Табиат ва ижтимоий ҳаётда сабабсиз бирорта ходиса ёки воқеа содир булиши мумкин емас. Йернинг қуёшга нисбатан ҳозирги ҳолатда жойлашиши ҳамда Йер шарининг сирт тузилиши ва унинг ҳам қуёш, ҳам уз уқи атрофида айланиши сайёрамизда иқлим шароитининг узгариб туришига сабабдир. Бинобарин, сабабият ёки сабабий боғланишлар воқеликдаги барча нарса ва ходисаларда умумий, қонуний, истисносиз амал қилувчи муносабатлардир. Сабабий боғланишларни “бахона” ва “шарт-шароит” сингари тушунчалар билан алмаштириш мумкин емас. Сабаб доим воқеа-ходисаларга хос ҳамда улар уртасидаги бевосита, ички муносабатларни билдиради. Бахона еса сабабга нисбатан ташқи туртки, ҳолос. Бахона сабабнинг воқеликка айланиши, бирор-бир оқибатнинг келиб чиқиши учун иккинчи даражали та`сир булади. Масалан, Биринчи жаҳон уруши бошланиб кетишига герсог Фердинанднинг улдирилиши бахона булган. Урушнинг келиб чиқишига ҳақиқий сабаб аслида муайян давлатлар уртасидаги рақобатнинг кескинлашганлиги ҳамда булинган дунёни қайтадан булиб олишга қаратилган сиёсатнинг юритилиши еди. Хар бир сабаб муайян оқибатни келтириб чиқариши учун албатта ма`лум шарт-шароит зарур

булади. Лекин шарт-шароит оқибатнинг сабабини англамайди. Шарт-шароит муайян оқибат туғилишига та`сир курсатувчи ҳолат бўлиб, сабабнинг оқибатга айланишида узига хос рол уйнайди. Образли қилиб айтадиган бўлсак, сабаб – уруғ буладиган бўлса, сув, қуёш нурининг йетарлилиги, тупроқнинг унумдорлиги кабилар шарт-шароит, ушиб чиққан усимлик еса оқибатдир. Шарт-шароит сабабсиз ҳеч қачон оқибатни келтириб чиқара олмайди.

Сабабий боғланишларни турлича тушунишлар мавжуд. Масалан, антик дунё файласуфи Платон барча ходисаларнинг туб сабаби “ғоялар дунёси” деб, немис классик файласуфи Гегел еса “Абсолют идея” деб тушунади. Ислом ва тасаввуфда еса барча нарса-ходисалар Аллохга етиб боғланади. Мазкур магистрлик диссертацияси доирасидаги кузатишлармизга кура олдиндан айтиш мумкинки, Алишер Навоий ғазалларининг аксариятида тасаввуфий мазмун жо етилгани учун ҳам бу ғазалларда ифода топган барча ҳолат ва тасвирларнинг сабаби сифатида Аллох тушунилади. Бу олам, ундаги нарса-ходисалар еса оқибат сифатида идрок етилади. Албатта, шоир ғазалларида сабаб-оқибат бошқа мазмун ва шаклларда ҳам намоён бўлган.

Сабабий боғланишлар қонуният тарзида олам ва унга хос узгаришларнинг мохиятидан келиб чиқади ҳамда ундаги алоқадорлик, муносабатнинг узига хос шакли сифатида амал қилади. Олам тараққиётидаги боғланишлар сабабиятга, умумий қонуниятга боғланади, деб ҳисобловчи та`лимот фанда детерменизм деб юритилади. Аксинча, сабабият ва заруриятни инкор етиб, бу категорияларни воқеликдан ажратган ҳолда тушунтирувчи оқим индетерменизм дейилади. Детерменизм – “муайян ходисалар уртасидаги алоқадорликнинг қонуниятли, зарурий ва сабабий равишда руй беришини, ходисаларнинг ҳозирги ҳолати уларнинг аввалги ҳолати билан узвий тарзда боғлиқ эканини е`тироф етади”.<sup>6</sup> Ма`лумки,

---

<sup>6</sup> Фалсафа қомусий луғати. – Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик кампанияси Бош таҳририяти, 2004. – 108-б.

детерминизм ҳақидаги қарашлар антик фалсафадаёқ уртага ташланган бўлиб, кейинчалик Ф.Бекон, Г.Галилей, Декарт, М.Ломоносов, И.Нютон, П.Лаплас томонидан ривожлантирилди. Машхур немис табиатшуноси, замонавий психофизиологиянинг асосчиларидан бири бўлмиш Г.Гелмголт томонидан аниқланган энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни ҳам детерминизмга асосланади. XX асрнинг буюк олими, психоанализ методини кашф қилган рухшунос Зигмунд Фрейд шунга мос равишда ҳар қандай рухий кузғалиш изсиз қолиб кетмай онг остида сақланиши ва қулай вазият келиши билан муайян бир шаклда реаллашуви ҳақидаги қарашни ривожлантирди. Бу назарияларнинг барчаси сабаб-оқибат боғланишларига асосланади.

Сабаб-оқибат боғланишини механик тушуниш ҳам керак эмас. Яъни сабаб ва оқибат занжирида ҳамма вақт биринчи келган ходиса сабаб, ундан сунг келган ходиса оқибат булар экан, ҳар қандай кетма-кет келган ходисаларнинг биринчиси доим сабаб, кейингиси оқибат булаверади, деб тушунмаслик керак. Чунончи, ёз баҳордан сунг келади, кундуздан сунг тун бошланади; бундан баҳор ёзга сабаб ёки кечасига кундузи сабаб деб хулоса чиқариш бутунлай хатодир. Шу мисоллардаги ходисаларнинг асл сабаби Йернинг уз уқи ва қуёш атрофида айланишидир. Сабаб ва оқибат бир-бири билан урин алмашиши, оқибат бошқа ходисага нисбатан сабаб ролини уташи ҳам мумкин. Масалан, муайян организм бирор қисмининг узига хос патологиясини урганиш, уни даволашнинг ёли ва методларини ишлаб чиқишга сабаб булади. Организмнинг шу касалланган қисмини даволаш оқибатда яна бир бошқа қисмидаги касалликнинг олдини олишга сабаб булади.

Инсон уз амалиётида сабаб ва оқибат алоқасининг муҳим ва номухим томонларини, сабабий боғланишларнинг хилма-хиллигини бирданига ажратиб ва билиб олмайди. Шунинг учун кузатиш, билиш, амалий фаолият жараёнида муайян оқибатнинг келиб чиқишидаги аниқ сабабнинг урнини ва ахамиятини анлаш, асосий ва асосий бўлмаган, ички ва ташқи сабабларга

ажрата олиш керак. Асосий сабаб бу ходиса ва жараённинг келиб чиқишини заруран белгилайдиган ҳамда унинг энг мухим хусусиятларини ифодаловчи сабабдир. Асосий булмаган сабаб еса воқеа ва ходисанинг ёналишини белгиламайдиган, унга айтарли таъсир курсата олмайдиган сабабдир. Масалан, ижтимоий ривожланишни белгилайдиган асосий сабаб бу моддий ва маънавий бойликлардир. Жуғрофий мухит ва аҳоли зичлиги ҳам жамият таракқиётига у ёки бу тарзда таъсир курсатади. Воқеалар занжирини билишда ички ва ташқи сабаблар ҳам бир хил рол уйнамайди. Ички сабаблар деб нарса ва ходисанинг уз табиатига хос, ички муайянлик, қарама-қарши томонлар бирлигининг ифодаланшишига айтилади. Ташқи сабаблар еса нарса ва ходисалалараро бир-бирига таъсир холатини билдиради. Маълумки, ички сабаблар хар қандай узгариш ва ривожланишнинг асосини ташкил қилади. Аммо ташқи сабаблар узгаришнинг шарт-шароит ва мухитини билдиради, холос. Организмнинг нормал шаклланиши ва усиши учун ташқи сабаб хисобланган мухим озуқа, хаво, сув кабилар юзаки қараганда нечоғли мухим булиб куринасин, бироқ организмнинг яшашини, мавжудлигини белгилайдиган асосий сабаб – модда алмашиниши, яъни ассимиляция ва диссимиляция жараёндир. Куришиб турибдики, хар бир ходиса ва жараён турли хил сабабларнинг умумий алоқадорлиги асосида шаклланади ва юзага келади. Воқеа ва ходисанинг хақиқий мохиятини билишда асосий ва асосий булмаган, ички ва ташқи сабабларни аралаштириб юбормаслик лозим. Сабабларнинг урни, ахамиятини аралаштириб нотуғри тушуниш назарий ва амалий фаолиятда ғайриилмий натижаларга олиб бориши мумкин.

Сабаб ва оқибат муносабатларини туғри тушуниш ва англаш бадий адабиётда ҳам, адабиётшуносликда ҳам жуда катта рол уйнайди. Хусусан, тасвир объекти воқеа булган эпик ва драматик асарларни яратишда ҳам, тахлил қилишда ҳам сабаб-оқибат боғланишларини туғри идрок етиш катта ахамиятга ега. Ёзувчи учун бунинг мухимлиги шундаки, сабаб-оқибат боғланишлари характерни мантиқий асослашга, асар иштирокчиларининг

хатти-харакатларини туғри курсатишга, конфликтни ва сужетни хаёт хақиқатига мос ривожлантириш ва йечимни туғри белгилашга та`сир курсатади. Уқувчи бадий асарни уқир экан, воқеалар ривожланиб борган сари унда “нима учун?”, “нега?”, “нима сабабдан?” сингари саволлар туғила боради. Хаётдаги сабаб-оқибат боғланишларини туғри идрок етган ёзувчининг асарларида хамиша бу саволларга мантиқли ва асосли жавоблар булади ва уқувчи бундан қониқади. Аксинча, айрим асарларда қахрамонларнинг хатти-харакати, воқеалар силсиласи уқувчини ишонтирмайди, китобхонда шубха туғилади. Чунки бундай асарларда ёзувчи узи тасвир етаётган воқеани етарли даражада асослай олмайди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Абдулла қодирийнинг “Мехробдан чаён” романидаги асосий конфликт Анвар тимсолидаги езгулик ва бир тудга ёвузлик вакиллари уртасидаги курашга асосланган. Ёвузлик тарафдорлари бошида Абдурахмон домла туради. Бундай дейишимизнинг сабаби шундаки, Анварнинг бошига тушган мудхиш кургуликлар – Ра`нонинг хонга унаштирилиши, мирзабошилиқдан кетиши ва дор остига олиб борилиши асосан Абдурахмон домла билан боғлиқ. Бу мудхиш кургуликларнинг барчаси Ра`но та`рифининг хон қулоғига йетиб боришидан бошланади. Бу та`рифни хонга йеткизишнинг ташаббускори еса Абдурахмон домла еди. Хуш, Абдурахмон домла нима сабабдан Анварга бунча ёғиқди? Ёзувчи бунга жуда асосли иккита сабаб курсатади. Биринчиси шуки, Анвар мадраса курмасдан, камбағал бир оиладан чиққан булишига қарамасдан, мирзабошилиқ лавозимида кутарилган. Бу, албатта, ун йиллаб мадрасанинг тупроғини ялаб, махалладаги кичик мачитга бор-ё`ғи имом була олган Абдурахмоннинг ғашини келтиради, хасадини қузғайди. Аммо фақат шунинг узигина Анварга бу қадар душманлик қилиш, уни дор остигача елтиш учун асос булолмайди. Чунки Анварга хасад қилгувчи бошқалар хам бор: Шаходат муфти, Калоншоҳ... – уларнинг хам ичларини ит тирнайди, улар хам Анварга нисбатан хар қадамда зарарқунандалик қилишга интиладилар. Аммо романда Анвар бошига тушган

мусибатларнинг бош сабабчиси сифатида Абдурахмон домла куринади. Мехробдан чиққан қолган чаёнлар еса иккинчи даражали образлардир. Йечим булган асосий воқеалар Анвар ва Абдурахмон домла уртасидаги зиддият натижаси улароқ намоён булади.

Анвар ва Абдурахмон домла уртасидаги зиддиятнинг икки муҳим илдизи бор. Биринчиси, юқорида курсатиб утганимиздек, ижтимоий илдиз – мансаб-мавқе билан боғлиқ булса, иккинчи сабаб оилавий интим хаёт билан, Ра`но билан боғланган. Абдурахмон домла томонидан доврўғи бутун қуқонга кетган Ра`нога юборилган совчилар рад жавобини олиб келадилар. Аммо куп утмай Ра`нонинг Анварга унашилгани хабари чиқади. Хасад устига мухаббат бобида рад етилганлик хам кушилади. Шу тариқа ёзувчи Анвар ва Абдурахмон домла уртасидаги конфликт ва унинг натижаларини хаётий ва психологик жихатдан жуда пухта асослайди.

Епик ва драматик асарларда сабаб-оқибат муносабатларининг шу тарзда аниқ ва хаётий курсатилиши адабиётшуносликда мотивировка, асослаш терминлари билан ифода етилади. Ёзувчи томонидан тасвирланган хаётий воқеа-ходисалар ана шундай психологик асосланган ва хаёт хақиқатларига мос булмаса, укувчини ишонтира олмайди. Айни пайтда бу асарлар юксак сан`ат асари даражасига кутарила олмайди.

Лирик асарларда сабаб-оқибат муносабатларининг намоён булиши еса узига хос характерга ега. Буни қуйида – ғазалда детерменистик муносабатлар талқинига утишдан олдин – турли лирик жанрларни узаро муқояса қилган холда қараб чиқамиз.

## **И. 2. Мумтоз лирик жанрларда детерминизмнинг узига хослиги**

“Классик лириканинг хозирги замон адабиётшунослиги нуқтайи назаридан тадқиқ етилиши лозим булган жиддий масалаларидан бири — ундаги сабабият (детерминизм) масаласидир, - деб ёзади улуғ Алишер

Навоий ижодини янги давр поетикаси нуқтаи назардан урганиш ишини бошлаб кетган олим Ёқубжон Исҳоқов. – Биз бу терминнинг фалсафий адабиётларда кенг тарқалган маъносини назарда тутмоқдамиз; Одатда фалсафий адабиётларда детерминизмни сабабият ёки сабаб-оқибат муносабатининг зарурий характери билан тенглаштирадилар”<sup>7</sup>.

Тожик олими Худой Шарипов бу масалада қуйидагиларни ёзади: «Утмиш ва замонавий бадиий тасвир тарзи уртасида жиддий бир тафовут кузга ташланади... Утмиш шеъриятида сабабият (детерминизм) ёқ. Подшоҳ (қасидада) кишваркушо, донишманд, кудратли ва хоказо шахс, (шоир) ошиқ, нотавон ва х. (ғазалда, “Лайли ва Мажнун»да); нима учун? Бу ерда натижа бор, сабаб ёқ...»<sup>8</sup>

Аввало, муаллифнинг хулосаси умумий тарзда булиб, аниқ мисоллар билан асосланмаган. қолаверса, бутун қасида тарихини фақат подшолар мадҳи, ғазал жанрининг мохиятини еса нотавон ошиқ ҳолати тасвиридан иборат қилиб курсатиш мутлақо нотуғридир. Х.Шариповнинг фикри жанрларнинг баъзи намуналарига нисбатан туғри булиши мумкин. Масалан, ғазални олиб курайлик. Аввало, ғазал тарихини фақат ишқ ва ошиқлик тасвиридан (гарчи ғазалнинг йетакчи мавзуси булса ҳам) иборат қилиб курсатиш ҳақиқатдан йироқ. қолаверса, ишқ масаласи атоқли шоирлар ижодида муҳим фалсафий, ижтимоий муаммоларни кутариб чиқиш учун бир восита ролини уйнаган. Куп ҳолларда ишқнинг узи ҳам фалсафий, ижтимоий мохият касб этади. Шунингдек, ишқ билан боғлиқ булмаган соф фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий-тарбиявий ва хатто сатирик ғазаллар ҳам куплаб яратилган. Бинобарин, жанр мохияти жихатидан ҳам, поетика нуқтаи назаридан ҳам ижтимоий-эстетик тафаккур тарихида узига хос етакчи мавқега кутарилган (шу жанрнинг атоқли ижодкорлари мероси назарда тутилади, албатта). ғазалда «шахс (шоир) ошиқ, нотавон» сифатида қуринар

<sup>7</sup> Молчанов Ю. Б. Причинность и детерминизм // Современный детерминизм и наука. Том 1. – Новосибирск: Наука, 1975, С, 103.

<sup>8</sup> Шарипов Х. Принципҳои инъикос ва тарзи эҷод // Садои Шарк, 1,977, № 5. – Саҳ. 129.

екан, саволни “нима сабабдан у ошиқ, нотавон” тарзида қўйиш мумкин эмас (ошиқлик инсон билан боғлиқ булмаган объектив ходиса), бил`акс конкрет ше`рда унинг ҳолати, ички кечинмалари ишонарли асосланган ҳолда ифода қилинганми деган тарзда қўйиш мумкин. Бу уз-уздан уларнинг юзага келиши учун туртки булган сабаблар билан изоҳланади. Ҳазалда еса ана шу асос — сабаб турли воситалар ёрдамида турлича — гоҳо очикдан-очик (ёрнинг бепарволиги, шафқацизлиги, бевафолигидан шикоят), гоҳида турли имо-ишоралар ёрдамида изоҳланади. Хар бир Ҳазалнинг моҳияти, унинг йетакчи пафосини идрок этиш орқалигина ана шу пафосни юзага келтирган сабабни аниқлаш мумкин.

Масалан, форсий шоирлардан исталган Ҳазални олиш мумкин. Хофизнинг қўйидаги Ҳазалида лирик қаҳрамон ошиқ қиёфасида куринади:

Бибурд аз ман қарору тоқату хуш

Бути сангиндилу сиймин баногуш...

Мазмуни: Буйни кумушдек оқ, тош бағирли гузал

Менинг тоқату, қарору, хушимни бутунлай олиб кетди.

Шундан кейинги байтларда, ана шу «тошбағирли» ма`шуқанинг сифатлари-ю ошиқнинг шу билан боғлиқ уй ва интилишлари баён қилинади. Унинг дардига даво — васл. Бунинг еса имконияти ё`к. Бинобарин, у «ма`шуқа ишқининг алангаси та`сиридан доимо бамисоли қозондек қайнаб туради». Демак, лирик қаҳрамон қалбини ларзага солган, бутун вужудини уртаб, ох-у фарёд чекишга мажбур қилган сабаб — кучли мухаббат изтиробларидир. Мухаббат еса унинг иродасига боғлиқ эмас. Хуш, биз шу Ҳазалда фақат натижа (ох-у афғон, зорланиш) мавжуд, унинг сабаби ма`лум эмас десак, туғри булармикан?

Са`дийнинг қўйидаги машхур Ҳазалида лирик қаҳрамон кечинмаларининг (ишқ ва жудолик изтироби, сарбонга, бераҳм, ахдига вафосиз ма`шуқага илтижо ва х.к) туб сабаблари грамматик («ки» аффикси

бу йерда сабабни билдирувчи боғловчи вазифасида келган) ҳамда поетик унсур — радиф («меравад — кетяпти) воситасида англашилади:

Ей сорбон, охиста рон, к-ороми чонам меравад,

В-он дил, ки бо худ доштам, бо дилситонам меравад...<sup>9</sup>.

Мазмуни: ей сарбон (туя етакловчи), охиста хайдагин, чунки туяда менинг ороми жоним кетяпти. Менинг қалбим ҳам уша дилситоним, севгилим билан бирга кетмоқда.

Ун уч байтли ғазалда такрорланиб турувчи радиф (меравад) асосан иккита вазифани адо этади: ма`шуқанинг қарвон билан жунаб кетиши (сабаб) ва шу муносабат билан ошиқ рухи ва қалбида юзага келган мураккаб ҳолат — жудолик азоби, ошиқ сабр-у қарорининг бутунлай ихтиёрдан чиқиб кетиш(натижа ёки ҳолат)ини та`кидлаб бориш.

Сабабият(детерминизм)нинг роли ёрқин кузга ташланадиган лирик жанрлардан бири — тарже`банд. Бу жанр хажм ва характер жихатидан ғазал билан қасида уртаисида туради. Лекин тематик жихатдан ма`лум даражада чегараланган: тарже`бандлар, асосан, фалсафий масалаларга бағишланади. Шунинг учун унинг мазмуни ва услубида шартлилик етакчи урин тутади. Лекин Навоий абстракт — фалсафий мулохазаларни ҳам реал ҳаётий деталлар асосида, ташбихий-қиёсий, тамсилий воситалар билан баён қилади. Натижада, шартли-рамзий вазиятлар ҳам уқувчи кузи олдида конкрет воқелик каби намоён булади. Ана шундай тасвирда сабаб ва оқибат нуқтайи назаридан мантиқий асослаш биринчи даражали рол уйнади. Навоий тарже`бандларида ана шундай асослаш (детерминация) шартли-рамзий поетик сужет яратиш асосида амалга ошади. Тарже`банднинг барча бандларида такрорланадиган байт биринчи бандга поетик сужет воситасида кириб келади ва ҳар бир бандда уларнинг такрори яна янгича аспектда мантиқан асосланади. Масалан, биринчи тарже`банд узак байтининг (Харобот аро кирдим ошуфтахол, Ки май истарга илгимда синғон сафол)

---

<sup>9</sup> Саъди Ш е р о з й.; Мунтахаби ғазалиёт. – Душанбе: Ирфон, – Саҳ. 164.

дастлабки пайдо булишини кузатиш асосида Навоийнинг мантиқий асослаш борасидаги юксак махоратига яна бир карра ишонч хосил қилиш мумкин:

Кетур, соқий, ул майеки, субхи аласт  
Анинг наш`асидин кунгул ерди маст.  
Майеки, қилур куйсалар жом аро,  
Узи масту кайфияти майпараст.  
Ешит саргузаштеки, букун манга  
Неча майпараст улдилар хамнишаст.  
Май олмоққа пири муғон жазбаси,  
Мени чекти андоқки, мохини шаст.  
қилиб хирқа май рахни-ю зарфининг  
Етиб оғзини мум ила сангбаст.  
Келур ердим илгимда майлик сабу,  
Булуб тукқуз афлок оллимда паст.  
Ки огох улуб туш-тушумдан қобоб,  
Манга топтилар ехтисоб ахли даст.  
Шикастим менинг онча ермас еди,  
Ки май зарфи топти арода шикаст.  
Чу синди сабр-у, чорайе топмадим,  
Мени муфлиси уриб гирёни маст.  
Харобот аро кирдим ошуфтахол,  
Май истарга илгимда синған сафол.

Худди ана шу таянч байт(бутун барқарор образлари: харобот, лирик қахрамон хумори, ошуфтахол, синған сафол коса)нинг кейинги бандда такрорланиши яна бошқачароқ ё`синда мантиқан асосланади:

Хароботий улмоғлигим, зохида,  
Савол етма мен зори бадномдин.  
Гарав қилғали майға чун қолмади,  
Не тасбих-у не хирқа нокомдин.

Харобот аро кирдим ошуфтахол,  
Май истарға илгимда синғон сафол.

Шуни та`кидлаш керакки, бандма-банд янги образлар, символлар пайдо була бошлайди. Рефрен — байтнинг сабабий боғланиши хам хар бирида узига хос, бетакрор.

Энди қасида масаласига келайлик. Х.Шарифов фикрича, «подшоҳ (қасидада) кишваркушо, донишманд, қудратли ва х.к.» Унинг «нима учун?» деган саволига «Бу ерда натижа бор, сабаб ё`қ» деган изохи биринчи навбатда қасида жанрига дахлдор.

Аввало, қайси давр қасидалари назарда тутилгани биз учун қоронғу. Афтидан, муаллиф умуман жанрни назарда тутмоқда (аслида шундай). Агар шундай буладиган булса, у қасида тарихидан (хусусан, бу жанр ниҳоятда ривож топган форсий адабиёт тарихидан) беҳабардек булиб туюлади. Чунки қасида тарихининг узи хам узоқ ва мураккаб жараён булиб, ривожланиш (салжуқийлар ва ғазнавийлар саройи, Озарбайжон) ва таназзул даврларини уз бошидан кечирган.

Унинг мадх, сифатидаги тараққиёт чуққиси ХИ — ХИИ асрлар хисобланади. Лекин уша даврларда хам форсий қасидаларнинг мазмуни фақат подшоҳлар мадхидан иборат булиб қолган емас. Чуқур фалсафий панд-насихат мазмунидаги қасидалар хам яратилган<sup>10</sup>.

Рудакийнинг «Шикоят аз пири», Салмоннинг бир қатор ижтимоий-ахлоқий қасидалари, Хоқонийнинг чуқур фалсафий-ахлоқий рухдаги «Айвони Мадоин» (А.Лохутийнинг е`тирофича, «Кремл» қасидасини ёзишига шу қасида туртки булган), Жомий («Лужжат ул-асрор») ва Алишер Навоийнинг («Тухфат ул-афкор») фалсафий-ижтимоий қасидаларини (унлаб фалсафий-тасаввуфий қасидаларни есламай қуя қолайлик) қайд етиб

---

<sup>10</sup> Р и п к а Я. История персидской и таджикской литературы. М.: Прогресс, 1970. С. 142, 169—183, 179—208.

утишнинг узи ҳам мазкур қарашнинг асоссиз еканлигидан далолат қилади. Мазкур фикрнинг иккинчи асосий томони — подшоҳ ҳақидаги мадхларнинг асосланмаган еканлиги масаласи. Бу фикр ҳам конкрет мисоллар билан исботланмайди. Агарда шундай асосланмаган қуруқ мадхдан иборат қасида(бундай қасидалар жанрнинг насиб, гурезгоҳ сингари компонентларисиз мужаррад қасида дейилади)лар булса, уларни курсатиш лозим еди ва хусусий ходисани жанрнинг умумий хусусияти сифатида талқин қилмаслик керак. қолаверса, традицион киришсиз (насиб мадхга утиш учун мантиқий замин хозирлайди), туғридан-туғри мадх билан бошланган мужаррад қасидаларда ҳам муаллиф мақсади, мулохазалари турли воситалар билан асосланган булади. Уқувчи шоир фикрлари ва кечинмалари учун туртки булган сабабларни идрок ета олади. Масалан, Рудакийнинг «қарилиқдан шикоят» қасидаси бошдан-оёқ тушиб кетган оппоқ тишларни («чароғи тобон», кумуш, «дурру маржон», тонг пайтидаги ёрқин юлдуз, ёмғир томчиси ва х.к.) афсус билан еслашдан бошланади. «Буд» (еди) радифи хар байтда утмишга айланган навқиронлик айёмини еслаб, кумсаш ва қарилиқдан шикоят, афсусланиш хиссини та`кидлаб боради. Хоқонийнинг «Айвони Мадоин» номли машхур қасидаси оламнинг узгарувчан, инсон умрининг уткинчи еканлиги ҳақида чуқур афсус-надомат билан тулиб-тошган ва уқувчининг ибрат кузини каттароқ очишга ундовчи фалсафий мулохазалари Хусрави Парвиз (591—629) томонидан Тисефун шахрида солинган ва Тоқи Кисро деган ном билан машхур булган қаср харобаларини куздан кечириш натижасида, унинг оқибати сифатида юзага келган. қасиданинг биринчи байтиданок шоирнинг мақсади равшан булади:

Хон, ей дили ибратбин, аз дида назар кун, хон  
Айвони Мадоинро ойинайи ибрат дон<sup>11</sup>.

Асарда тасвир билан мулохаза, фалсафий хулоса ва уқувчини ибратга ундовчи хитоб тобора кучайиб боради ва шу охангда якунланади. Уқувчи хар

---

<sup>11</sup> Гулшани адаб. Чилди 1. Душанбе: Ирфон, 1975. Саҳ. 339.

бир байтда шоир кечинмаларининг ғалаёнини, уларнинг туб сабабларини хис етиб туради, хатто узи хам шоирнинг вазиятига тушиб қолганлигини сезмай қолади.

Албатта, биз келтирган мисоллар мадх емас, балки фалсафий-ахлоқий рухдаги қасидалар хисобланади. Лекин хақиқий исте`дод егаси мадх соҳасида хам узининг поетик исте`додини намоиш қилиши шубҳасиз. Бу дастлаб ижодкорнинг адабий-эстетик принциплари билан алоқадор, албатта. Ана шундай мантиқий асосланган объектив мадхнинг классик намунаси устод Навоийнинг «Хилолия» қасидасида ёрқин намоён булади.

Навоийнинг кичик лирик жанрдаги ше`рларида хам сабаб-оқибат муносабатлари узига хос тарзда намоён булган. қуйидаги рубоийда шоир қахрамонни ма`лум бир ҳолатга олиб келган сабабларни занжирдай тизиб боради:

Бу қосид ишим оху фиғон айладило,  
Бу рук`а танимни нотавон айладило,  
Бу са`б хабар ичимни қон айладило,  
Бу қонлиғ ичим халокайи жон айладило.<sup>12</sup>

Рубоий кичик хикоячага ухшаб бутун бир хаётий картинани куз унгимизда гавдалантиради.

Аввал изохталаб сузларни белгилаб олайлик: қосид – хабарчи, хат ташувчи, елчи, чопар; рук`а – хат, мактуб; са`б – қийин, оғир; “-ло” – “-ку”.

Лирик қахрамон – ошиқ хат ташувчи қуриниши билан ох-у фиғон қила бошлайди, чунки у хабарчи хеч қачон яхши хабар олиб келмаслигига урганиб қолган. қосид олиб келган мактубда ёрдан яхши хабар булмаслиги тайин, шунинг учун хам ошиқ хатни олиши билан хали уқимасдан туриб оёқ-қулидан жони чиқиб кетгандай холсизланиб, заифланиб қолади. Чиндан мактубда ёрдан “са`б” – оғир, юракни ғашликка соладиган хабар келган еди. Бу хабар – ва`дага вофосизлик ёки қат`ий рад жавоб булиши мумкин...

---

<sup>12</sup> Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. – Т., Фан, 1988. – 564-б.

Ёрнинг ошиққа отган та`на-маломатлари-ю ундан юз угириш булиши мумкин... Харқалай, ошиқни улимгача олиб бориши мумкин булган ёмон бир хабар... Навоий турт мисрали рубоийда махорат билан ошиқ рухий-жисмоний ҳолатларини даражама-даража ривожлантириб боради: ох-у фиғон тортиш, таннинг холсизланиши, ичнинг қонга айланиши ва оқибат – халокат. Бу ҳолат-оқибатларнинг хар бири еса уз сабабига ега: ох-у фиғоннинг боиси – хат ташувчи, тан заифлашишининг сабаби – хатни қулга олиш; ичнинг қонга айланиши сабаби – хатдаги ёмон хабар, булар барининг оқибати еса – ошиқнинг улими.

қуйидаги рубоийнинг биринчи мисраси – биринчи сузидаёқ сабаб курсатилади, кейинги барча ҳолатлар, образлар шу сабаб билан боғлиқ ҳолда намоён булади:

Номангки, тириклигимдин улдур матлуб,  
Очуб уқиғач бир неча лафзи марғуб,  
Куп тулғаниб ашк ичра узумдин бордим,  
Ул нав`ки, су ичига тушкай мактуб.<sup>13</sup>

Манзара шундай: хушдан кетган ошиқ худди сув ичига тушган мактуб сингари куз ёшларига ғарқ. Мазкур ухшатишда ошиқнинг портретини ҳам курамиз: я`ни ошиқ ишқ, хижрон, изтироблар туфайли озиб, вазни йенгил булиб қолган, шунинг учун ҳам худди қоғозга ёзилган хат сув юзида сузиб юргандай унинг ҳам озғин, сомондай танаси куз ёшлари уммонида юзада сузиб юради. Аслида одам хушдан кетган ҳолатда сувга тушса узини унгара олмайди, хушсизликдан сувга чукиши керак. Хуллас, ошиқ куз ёшларига ғарқ, аммо бунинг сабаби юқорида курганимиз каби ёрдан келган ёмон хабар емас, балки унинг мактубида битилган “бир неча лафзи марғуб” – бир неча ёқимли, ширин суздир. Бу ёқимли сузлар ошиқнинг хаяжон ва шодликдан “уздан бор”ишига, я`ни хушдан кетишига сабаб булган. Демак, ошиқ ҳолатининг сабаби – ёрнинг мактуби. Мактуб, дастлабки мисрадан аён

---

<sup>13</sup> O'sha manba, 565-b.

булишича, нафақат ошиқнинг мазкур рубоийда тасвирланган ҳолати сабаби, балки, умуман, ошиқнинг тириклиги сабаби ҳамдир.

Шундан кейинги рубоийда ҳам “нома” сабаб вазифасида чиқади, шоир охирги мисрада “сабаб” сузини бевосита қўллайди:

Номангки, ерур боиси иқбол-у тараб,  
Йеткурса тараб мени хазинга не ажаб.  
Ёлғуз мендин кетармади ранж-у тааб  
Ким, булди баса халқ хаётига сабаб.

Ушбу рубоий орқали “нома”нинг тасаввуфий мазмуни ҳам юзага чиқади. Модомики, ёрдан келган нома фақат ошиққа шодлик етказибгина қолмай, халқ хаётига ҳам сабаб булар экан, демак, бу шунчаки мажозий ма`шуқадан келган хабар эмас, балки, Ҳақдан келган хабар, бутун борлик мавжудлигининг сабаби сифатида идрок етилади.

Алишер Навоийнинг энг кичик жанрдаги асарлари – фардларида ҳам сабаб-оқибат муносабатлари узига хос тарзда намоён булган уринлар бор.

Елни хор айлаган тама` билгил,  
Доимо азза манқана` билгил.<sup>14</sup>

Фард дидактик характерга ега булиб, шоир унда тама`ни инсонни хор қиладиган, ел назарида тубан, паст киши қилиб курсатадиган қусур сифатида курсатмоқда. Демак, инсонни хор қиладиган сабаблардан бири – тамагирлик.

қўйидаги машхур фардда еса сабаб-оқибат мураккаброқ тарзда намоён булган:

Киши айбинг деса дам урмағилким, ул ерур кузгу,  
Чу кузгу тийра булди, узга айбинг зохир айларму?

Бу йерда оқибат – одам(дуст)ларнинг сенга камчилик-нуқсонларингни айтмай қўйиши (кузгунинг аксингни курсатмай қўйиши). Бунинг сабаби еса унинг қорайгани. қорайишга сабаб нима ёки ким? Сабабчи – сенинг узинг, чунки одамлар сенга камчилик-нуқсонларинг хақида гапирганда, рад қилиш

---

<sup>14</sup> Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Олтинчи том. – Т., Фан, 1990. – 531-б.

учун қаттиқ гапириб, уларнинг кунглини ранжитгансан (кузгуга қараб “ух”лагансан). Демак, бу ҳолатнинг сабабчиси – узинг. Фардда сабаб-оқибат боғланиши занжирли тарзда намоён булади.

## ИИ б о б

### ҒАЗАЛ ЖАНРИДА САБАБИЯТ

#### ИИ.1. Хамд ғазалларда сабаб-оқибат категорияси

“Ғаройиб ус-сиғар”нинг “Ашрақат мин акси шамсил-ка`си анворул-худо” (“қуёш кулчаси(косаси)нинг аксидан хидоят нурлари порлаб чиқди”<sup>15</sup>) деб бошланувчи биринчи хамд ғазалидаёқ детерменизм ходисасининг бадийй воқеланишини кузатишимиз мумкин:

Токи ул майдин кунгул жомида булғач жилвагар  
Чехраи мақсуди махв улғай хам ул дам моадо.  
Вахдате булғай муяссар май била жом ичраким,  
Жом-у май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.  
Сен гумон қилғандин узга жом-у май мавжуд ерур,  
Билмайин нафй етма бу майхона ахлин, зохида.  
Ташналаб улма, Навоий, чун азал соқийсидин  
“Ишрабу, ё айюхал-атшон” келур хар дам нидо.

Шоир ғазалдаги охирги турт байтнинг хар бирида сабаб-оқибат муносабатларига асосланиб борароқ тасаввуфий мазмунни чуқурлаштиради.

Парчадаги дастлабки байтга кура, “ул май”, я`ни Аллох ишқи кунгилда жилва қилиб турса, бошқа хар қандай мақсад-муддао кунгилдан чекинади. Демак, кунгил поклигининг биринчи шарти, сабаби – Аллохнинг пок ишқидир. Я`ни муайян оқибат (кунгилни поклаш) учун муайян сабаб (Аллох ишқи) талаб қилинади.

Кейинги байтдаги фикр хам шунга монанд: қачон вахдат – Аллох билан бирлашиш саодати (оқибат) насиб улади? қачонки фақат ва фақат Аллох исми зикр қилиб турилса! Оқибатни юзага чиқаришнинг шарти – зикрдир.

---

<sup>15</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. ЎзР ФА мухбир аъзоси Э.Фозилов таҳрири остида. Тўрт томлик. I том. – Т., Фан, 1985. – 252-б.

3-байтда шоир зохидга мурожаат қилади: сен асл сабабни билмасдан туриб майхона ахлини рад қилма, уларга та`на қилма. Чунки сен назарда тутган жом ва майдан узгаси хам мавжуд. Шоир айтмоқчики, зохид Аллохга йетишишнинг фақат узлатга чекиниш, зохидлик ё`лини билади; вахоланки, Аллох жамолига олиб борадиган ё`ллар жуда хилма-хилдир.

Мақта`да Навоий уз-узига мурожаат қилади: ташналаб булишнинг хожати ё`қ. Сабаб шуки, Аллохнинг узи “Ишрабу, ё айюхал-атшон” деган пайғом – хабар юборган.

Иккинчи хамд-ғазалда детерминизм (сабаб-оқибат муносабати) ҳадди а`лосига кутарилган. Шоир 11 байтли ғазалнинг деярли ҳар бир байтини сабаб-оқибат муносабатларига асосланиб тузади. ғазални тулиқ келтирамыз:

Зихе хуснунг зухуридин тушиб ҳар кимга бир савдо,  
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо.  
Сени топмоқ бәсе мушқил, вале топмаслиғ осонким,  
Ерур пайдолиғинг пинхон, вале пинхонлиғинг пайдо.  
Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ут солдинг,  
Самандардек ул утдин кулга ботти булбули шайдо.  
Не ишка булди беором кузгу аксидек Мажнун,  
Юзи кузгусида гар аксини кургузмади Лайло.  
куёшқа гах қизармоқ, гоҳе сорғормоқ ерур андин  
Ки, сун`унг боғида бор ул сифат юз минг гули ра`но.  
Недин юз гул очар ишқ утидин булбул каби Вомиқ  
Юзингдин гар узори боғида гул очмади Азро.  
Каломингни агар ширин лабида қилмадинг музмар,  
Недин, бас, ла`л улур Фарходнинг қон ёшидин хоро.  
Жамолинг партавидин шам` ути гар гулситон ермас,  
Недин парвона ут ичра узин солур Халилосо.  
Малохат бирла туздинг сарвқадлар қоматин, я`ни  
Ки, мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.

қаноатнинг далилин инзиво қилдинг яна бир хам  
 Далил ушбуки, қони` харфидан халқ айладинг анқо.  
 Навоий қайси тил бирла сенинг хамдинг баён қилсун,  
 Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг ерур гуё.

Хар бир байтдаги сабаб ва оқибатни қуйидагича ифодалаш мумкин:

<b>Байт</b>	<b>Оқибат</b>	<b>Сабаб</b>
1-байт	Икки дунё хам серғавғо	Икки дунёдаги хар бир мавжудот Аллохнинг хуснига ошиқликдан бетоқат
2-байт	Сени топмоқ бәсе мушкил, топмаслик осон	Чунки пайдолигинг пинхон, пинхонлигинг пайдо (борсан-у қуринмайсан, қуринмасанг-да борсан)
3-байт	Булбул самандар каби ишқ утида ёниб, яна қайта яралади	Чунки Сен гул (ишқ) утини яратгансан
4-байт	Ошиқ Мажнун беором	Лайли(Аллох)нинг аксини кузгуда қуриб
5-байт	қуёш гох қизаради, гох сарғаяди	Чунки бу дунё боғида ранг-баранг ра`но гуллар (Аллохнинг тажаллийлари) яратилган <sup>16</sup>
6-байт	Вомиқ булбул каби сайрайди	Азронинг чехрасида Сенинг жамолингни қуриб
7-байт	Фарход қондек куз ёшлар тукиб тошларни қизартириб – ла`лга айлантриб юборди	Чунки Шириннинг унга айтган сузларида Сенинг каломинг яширинган

<sup>16</sup> Ra`no guli bargining bir tarafi sariq, bir tarafi qizil bo`ladi, “quyoshqa gah qizarmoq, gohe sorg’ormoq” degan jumlada shunga ishora bor.

8-байт	1. Шам`нинг ёниши гулистонни еслатади	Сабаб – Сенинг жамолингнинг партави (шу`ласи)
	2. Халилосо (Иброхим пайғамбар) парвона каби узини утга урди	Шам` Сенинг жамолинг шу`ласидан порлаб ёнгани учун <sup>17</sup>
9-байт	“Зебо” сузида “алиф” жуда чиройли, зийнатланган (زيا)	Сарвқад гузалларнинг қоматини алифдек расо қилиб тузгансан
10-байт	қаноат егалари жамиятда озчилик, уларни оломон четга чиқариб қуйган	Далил шуки, “қони`” (қаноат етувчи, бориға рози булгувчи, қаноатли) сузи(قانع)даги харфлардан “анқо” (оти бор, узи ё`қ афсонавий қуш) сузини (عنقا) ҳам тузиш мумкин
11-байт	Сенинг васфингни баён қилишга Навоийнинг тили ожиз	Тикан жаннат гулининг васфини қила олмайди

Матла`да Аллох хусни туфайли икки дунё(кавнайн)нинг серғавғолиги тезис шаклида айтилади. ғавғонинг боиси шуки – Уни топиш мушкул, топмаслик осон; мушкул-осонликнинг боиси шуки – У бор, лекин куринмайди; куринмаса-да мавжудлиги хақиқат. Шу тариқа ғазалда сабаб ва оқибат силсиласи пайдо булади. Бир уринда оқибат булган ҳолат иккинчи уринда сабаб булиб майдонга чиқади:

сабаб                      оқибат – сабаб                      оқибат

нопайдолик – топишнинг мушқиллиги – ғавғо.

Барча оқибатларнинг сабаби еса битта – Аллох. Асл сабаб – У. Кейинги 3-8-байтларда шоир “Сени топмоқ баса мушқилдурур, топмаслиғ осонким,

<sup>17</sup> Bu baytda Namrud Ibrohim payg'ambarni o'tga tashlaganda gulxanning Alloh qudrati bilan gulistonga aylanganligiga ishora bor.

ерур пайдолиғинг пинхон вале пинхонлиғинг пайдо” тезисини изчиллик билан исбот ета боради. ғазалнинг 8 байтида турли холат-ходисаларни тасвирлайди-ю, бу дунёдаги барча воқеа-ходиса, харакатларга битта сабаб курсатади. Я`ни икки дунёнинг серғавғолиги хам, булбулнинг улиб-тирилиши хам, Мажнуннинг беором-бетоқатлиги хам, куёшнинг сарғайиб-қизариши хам, Вомиқнинг булбулдай наво қилиши хам, Фарходнинг қон ёшлар тукиб, оддий тошни ла`лга айлантириши хам, Халилнинг узини утга солиши хам Аллохнинг ишқи туфайли. ғазалда қаторасига ан`анавий ошиқ образлари (булбул, Мажнун, Вомиқ, Фарход, Халил) келтирилади. Аллох жамоли бу дунёдаги барча нарса-ходисаларда акс этади, айна пайтда бу нарса-ходисалар Унинг узи емас, акси – тажаллийси. Мана шунинг узи “Сени топмоқ базе мушкилдурур, топмаслиғ осонким, ерур пайдолиғинг пинхон вале пинхонлиғинг пайдо” демакдир.

ғазалда қулланган –ким, чу (чунки, модомики) , нега, ерур андинки, недин (3 та байтда қулланган) каби ёрдамчи воситалар сабаб-оқибат муносабатини та`кидлаб курсатади. Мақта`олди 10-байтда еса 2 марта “далил” сузини ишлатади, шу орқали ғазалда бошдан-охир гап сабаб ва оқибат хақида борганлигига махсус ишора қилади.

Охирги уч байтда хам сабаб-оқибат муносабатлари акс етган, бироқ енди гап Аллохга ишқ (сабаб) туфайли содир булган холатлар хақида емас. Бу уч байтда шоир уч хил фикр айтади ва уз фикрининг исботи учун далил келтиради – сабаб курсатади.

9-байт: “Зебо” сузидаги “алиф” жуда чиройли (зийнатланган, зеб берилган (زيبا)), бунинг сабаби шуки, сарвқад гузалларнинг қоматини алифдек расо қилиб тузгансан – “зебо”даги алиф ана шу гузаллар қаддига монанд яратилган.

ғазал хамд – Аллох мадхига бағишланган, аммо шоир 10-байтда узи яшаб турган жамиятга диққат қаратади. Бу замонда қаноат қолмади, қаноатнинг мавжудлигини курсатадиган барча далиллар куздан ё`қолди,

дейди у. Бунинг далили шуки, “қони” (قانع) (қаноат етувчи, бориға рози булгувчи, қаноатли) сузидаги харфлардан “анқо” (оти бор, узи ё`қ афсонавий куш) сузини (عنقا) ҳам тузиш мумкин. Я`ни қаноатли кишилар ҳам, қаноатнинг узи ҳам анқо каби топилмас матоға айланди.

Мақта`да шоир яна асосий мавзуга – ҳамдга қайтади. Навоий қайси тил билан Сенга ҳамд айта олсин? Унинг тили ожиз. Бунинг куришиб турган исботи шуки, тикан жаннат гулини васф қилиши мумкинми? Шоир Яратганнинг олдида узини жаннат гули олдидаги тикан қадар паст, бенаво хис етади.

Ушбу ғазалда дунёнинг яратилиши ҳамда ундаги нарса-ходисаларнинг ягона сабаби, бошланғичи – Аллох еканлиги, унинг тажаллилари сон-саноксизлиги, аммо ҳеч бир тажалли Унинг узи булолмаслиги юксак бадий пардаларда ифода етилган. Уқувчи шоирнинг сеҳрли қалами билан Яратгувчи ва борлиқ муносабатини умумийлик ва хусусийлик тарзида идрок етади. ғазалда шоир радд (1-байт), тазод (2-байт), ташбих (3-байт), талмех (4-, 6-, 7-, 8-байтлар), хусни та`лил (5-байт), китобат (9-10-байт), тамсил (11-байт) каби бадий сан`атлардан махорат билан фойдаланган.

“ғаройиб ус-сиғар”даги 4-ғазал ҳам ҳамд характериға еға. Бу ғазалда ҳам мавзуга дахлдор муносабат акс етган аммо унда холат сал бошқачароқ. ғазалда шоир Аллохнинг улуғлигини Уни борлиққа оппозицион қуйиш орқали қиёс ё`ли билан бадий ифода етади:

Ей, ҳамд улуб махол фасохат билан санга,  
Андоқки, қурб тақвову тоат била санга.  
Топмоқ ажиб фикр-у тахайюл била сени,  
Етмак махол ақл-у фаросат била санга.  
Чун койинот зубдаси ожиз куруб узин,  
Хамд айта олмас онча балоғат била санга.  
Изхори ажз биздин адаб таркидур, баса  
Юз минг қусур-у нуқс-у касофат била санга.

Хар тийра рузгорки , васлингға ё`л топиб  
Сендин, етиб чароғи хидоят била санга.  
Лутфинг рафиқим улмаса не хадки , йеткамен  
Бошдин аёғ гунох-у залолат била санга.  
Чун сендин узга ё`қ панахим, қочмайин нетай  
Журм-у гунахдин ох-у надомат била санга.  
Исёни куп Навоийнинг-у ё`қ уётиким,  
Истар йетишса мунча хижолат била санга.

ғазалда бошдан-оёқ инсоннинг Аллох олдидаги ожизлиги, нотавон ва ночорлиги хақида суз боради:хар қандай гузал сузлар билан хам Аллохнинг мадҳини уринлатиш махол, хар қанча тақво ва тоат билан унга яқинлашиш мушкул. Инсон фикри, хаёли, ақли, фаросати Уни идрок етишдан, англашдан, Унга йетишишдан ожиз.

Навоий инсоннинг борлиқ ва унинг мажудотлари орасидаги урни ва ахамиятини теран идрок етиб, одамни “койинот зубдаси (бирор нарсанинг яхши қисми, сараси, қаймоғи, яхши натижаси, хулласи<sup>18</sup>)” деган метафорик ибора билан та`рифлайди. Инсон коинотнинг енг асил мавжудоти, хулласи – маркази, мақсади булганлигидан, борлиқ махлуқотлари ичида енг мукаммали – балоғатлиси еканидан қат`и назар Аллох мадҳига ожиздир. Нафақат ожиз, хатто узининг ожизлигини айтиб утириш хам адабсизлик. Зеро, биз одамлар юз минг қусур-у нуқс-у касофат бандаларимиз. Агарда бу дунё(“тийра рузгор”)дан бирор киши Унинг васлига мушарраф булган булса, шубхасиз, бу хам Узининг инояти, уша бандасига хидоят чироғини муяссар қилганлиги натижасидир. Бинобарин, Навоий (лирик қахрамон) хам бошдан-оёқ гуноху залолат (ё`лдан адашиш) билан – Узи лутф кургазмаса – васлига йетиши мумкин емас. Шунинг учун хам у илтижо қилади: биз гунохкор бандаларингга лутф – мархамат қил, акс холда тамоми умримизни тоат-

---

<sup>18</sup> Навоий асарлари лугати. Тузувчилар П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 258-б.

ибодатга бағишласак ҳам, мархаматингсиз бу ибодатлар қабул булмагай! Зеро, бандасининг ягона панохи – узингсан, минба`д оху надоматлар чекиб, журм-у гунохлардан фақат узингга қочиб-топиниб боргаймиз! Бошқа борадиган панохгохимиз ё`қ!

Мақта`да шоир уз-узига маломат қилади: Навоий-ку шаккок – исёнкор бир банда, яна уяцизларча сенга йетишмакликни истайди.

қаламга олинган барча ҳолатларнинг сабаби нимада? Бу ғазалнинг узига ҳослиги шундаки, бу саволга матнда жавоб ё`қ. ғазалда қаламга олинган барча ҳолатларга сабаб булган нарса-ходиса матндан ташқарида қолган. Шоир инсоннинг ночор-у нотавонлигини курсатиш орқали Аллохни мадх этади. Я`ни Аллох шу қадар улуғ ва дахлсизки, инсон ҳар қанча балоғат касб етгани билан, комилликка интилгани билан яна Узидан лутфу мархамат булмаса, унинг васлига ериша олмайди. Демак, ғазалда тасвирланган барча ҳолатларнинг, лирик қахрамон изтиробларининг, уз-узига маломат отишининг сабаби – Аллохнинг улуғ ва дахлсизлиги, беҳожатлигида; Инсоннинг имкониятлари чекланганлиги ва Унинг имкониятлари чексизлигида; Унинг пок-у қудсийлиги, Инсоннинг қусурли ва нуқсонлигида! Шоир шу тариқа инсон сифатида ожизликка иқрор булиш орқали Аллохнинг улуғлигини ё`тироф этади.

## **ИИ.2. Турли ғазал типларида сабаб-оқибат муносабатлари ифодаси**

Поетик сужетли ғазалларда сабабият бошқачароқ ё`синда куринади. ғазалда поетик сужет реал ҳаётий воқеанинг баёни емас, балки шартли тасвир ё`ли булиб, лирик қахрамон кечинмаларини ифодалашнинг бир ё`ли ҳисобланади. У уз тасавуридаги муайян бир ҳолатнинг романтик манзарасини чизади (масалан, утмишдаги ёки ҳаёлий бахтиёр онлар, ҳаёлий учрашув ёки жудолик пайти в.б.).

Бундай рухдаги ғазалларнинг айримларида замон ва макон билан боғлиқ деталлар шу қадар ёрқин тавсиф қилинадикки, натижада ғазал конкрет ходисанинг натуралистик тасвирига ухшаб кетади. Бундай ғазалларни Хусрав Дехлавий, Низорий Кухистоний, Хофиз, Жомий сингари форсигуё шoirлар, шунингдек, Навоийнинг узбекча девонида учратиш мумкин.

Поетик сюжет тасвирининг характериға қараб лирик қахрамон психологик холатининг сабаблари ҳам турли даражада зухур етади (сабаб ва натижа қахрамон психологиясига параллел холда тавсиф қилинади ёки кечинма, холат тасвири пайтида сабабға ишора қилинади). Умуман, ғазал мохияти инсоннинг узи емас, унинг лирик кечинмалари тасвирдан иборат экан, ички кечинма ва психологик холатнинг узи хилма-хил булганидек, уларнинг сабаби ва ифодаланиш усуллари ҳам турлича булиши табиий. Бинобарин, хар бир ғазалнинг характериғи (тавсифий, мулохазавий ёки уларнинг қушилгани) е`тиборға олган тақдирдағина ундағи мазмуннинг (воқеа ёки холатнинг) юзаға келиши сабабларини туғри пайқаб олиш мумкин. Навоий ғазалиётида мантиқан асосланмаган бирор фикр, бадий тасвир унсури ёхуд сабабни, заминдан махрум бирор воқеа, холат, психологик тасвирни топиш мумкин емас.

Муайян фикр, хулосани мантиқан асослаш, ма`лумки, далиллаш (мотивировка) сан`ати воситасида амалға оширилади. Лекин воқеа, холат ва психологик кечинмаларни мантиқан асослаш турли усуллар билан уларнинг сабабини курсатиш орқали намоён булади. Натижада, ғазал асосини ташкил етган мазмун — заминсиз, қуруқ емас, балки муайян хаётий сабабнинг мантиқий натижаси сифатида куринади. Шоирнинг муайян пайтдағи кечинмалари, психологик холатининг табиий ва қонунийлигига заррача шубха туғилмайди. Навоий ғазалиётида сабабий асос, ше`рнинг характериға қараб, турлича ё`синда ва даражада куринади.

Айрим байтлар доирасида грамматик («-ки, -ким» аффикси, кумакчи суз, ергаштирувчи боғловчилар: чу-чун, чунки, не учунким, нетонг ва х.к.)

воситалар ёки интонация (тамсил — психологик параллелизм), бутун ше`рда кенгроқ планда — поетик элементлар (радиф, қофия, ташбих, киноя ва х.к.). тасвир жараёнида еса имо-ишоралар ёрдамида ёки поетик сюжет билан боғлиқ холда куринади.

Масалан, куйидаги машхур ғазалда лирик қахрамон — ошиқ шахсида юз берган узгача бир холатнинг хақиқий сабаби ташхис (персонификация) сан`ати асосида диалог ё`ли билан очилади:

Жонга чун дермен: не ерди улмагинг кайфияти?  
Дерки, боис улди жисм ичра маразнинг шиддати.  
Жисмдин сурсамки, бу ваз`ингга не ерди сабаб?  
Дер: Анга булди сабаб утлук бағирнинг хирқати.  
Чун бағирдин сурдум, айтур: андин ут тушти манго,  
Ким кунгулга шу`ла солди ишқ барқи офати.  
Кунглма қилсам ғазаб, айтурки, куздиндур гунах,  
Курмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати.  
зга чун дерманки, ей тардомани юзи қаро,  
Сендин улмиш телба кунглумнинг балою вахшати.  
Йиғлаб айтур кузки, ё`қ ерди манга хам ихтиёр,  
Ким курунди ногахон ул шухи махваш тал`ати.  
Ей Навоий, барча уз узрин деди, улгунча куй,  
Ким санга ишқ ути-уқ ермиш азалнинг қисмати.

ғазал рамзий тасвир асосига қурилган. Лекин изчиллик қат`ий мантиққа буйсунади. Ошиқ вужудида юзага келган мураккаб холатнинг хақиқий сабаби босқичма-босқич оша боради ва хақиқат юзага чиқади.

Силсилали тасвир таркибидаги хар бир босқич, гарчи фантастикага ухшаб кеца-да, аслида ундай емас. Ана шу шартли тасвир аслида улкан туйғу— ишқнинг инсон вужудини уз иродасига буйсундириш босқичларини хаққоний ифодалайди. Сабаблар силсиласи охирида бош сабаб — ишққа олиб боради. Ишқ — ошиқ рухий оламидаги "барча ғалаёнларнинг, асосий

сабабчиси. У инсон иродасига буйсунмайдиган объектив ходиса (азалий қисмат). Лекин Шоир уни инсон билан боғлаганда мистик изохлаш ё`лидан (абстракт) бормаиди. Унинг та`сири инсон сезгилари воситасида амалга ошади. Ошиқ кайфияти, холатининг сабабини қидирганда тасвир мавхумликдан аниқликка қараб боради: жон — жисм — бағир — кунгул — куз. Демак, ишқ, естетик завқ инсоннинг конкрет сезги органлари воситасида юзага келади (мажоз хақиқатнинг куприги еканлигини есланг).

Бироқ хар қандай об`ектив хақиқат тасодиф шаклида юзага келади: махваш жамоли «ногахон» (демак, тасодифан) кузга куринади. Лекин унинг та`сири инсон иродасидан ташқари, я`ни об`ектив зарурият (азалнинг қисмати). Об`ектив заруриятдан еса қочиб қутулиш мумкин емас. Хуллас, бу ғазалда сабаб ва оқибат, тасодиф ва зарурият сингари категориялар шартли-рамзий тасвир қобиғида намоён булади.

Диалог усули ма`лум ма`нода сужет элементларини юзага келтиради. Лекин Навоий ғазаллари орасида хақиқий поетик сужетга ега булган унлаб ғазаллар мавжудки, уларнинг хар бирида сабабий боғланишнинг мохияти бошқа аспектда куринади.

Бир қатор ғазаллар тугал поетик сужетга ега. Уларнинг хар бирида лирик қахрамон билан боғлиқ, бирор воқеанинг (гарчи шартли тасаввурдаги булса-да) енг мухим деталларигача кузда тutilган реалистик тасвири берилади. Гарчи мазкур воқеа ёки манзара шоир хаёли, уй-орзуларининг махсули еканлигини сезиб турса хам, уни бутун тафсилотлари билан куз олдига келтириб, реал воқеликдек қабул қилади. Шу сабабли Бобур мазкур ғазалларни «манзум хикоя» деб атаган: «Боштин-аёқ бу ғазалда бир хикоят манзум буллубтур:

Утган кеча мен ердим-у ул сиймтан ерди,

Гулшан турида масканимиз бир чаман ерди...

Ана шу чамандаги гул буталари орасида икки киши сиғадиган йерда ошиқ ва ма`шуқа гул билан булбулдек ёнма-ён утирибди. Улар хузурида

яман ақиқидек май, «Гох мен тутуб ул ичмаг-у гох ул тутубон мени». Ярим кечагача шу ахвол. Ма`шуқа маст булган, гох нола чекади, гохо бақириб-чақиради. Гох ошиққа ёнбошлаб, унинг буйнига кулларини ташлайди. Бундай кутилмаган холатдан ошиқ кунгли титраб, жисми уртанади. Нихоят, сармаст махбуба кузи уйқуга кетади. Ошиқ жони еса тахликада. Маст холда юзини унинг оёқлари кафтига қуяди (гуёки гул барглари устида тикан тургандек) . Ошиқ шундай чуқур уйқуга кетадики, тонг отганини хам сезмай қолади. Хутан подшохи (куёш) унинг юзига кумуш сепганда(нур сочганда)гина уйғонади. «Хажр Навоийни гар ултурса, не армон? Мунчаки мурод анга бу важхи хасан (гузал чехра) ерди» («Фавойид ул-кибар»).

Ше`р, ғазал жанри ан`аналаридан фарқли улароқ оптимистик характерда. Лирик қахрамон хижронзада ошиқ емас, у – бахтиёр, беармон. қалби қониқиш хисси билан лиммо-лим тулган. Шунинг учун хам, хижрон азобига юзма-юз боришга тайёр. Ана шундай оригинал йечимнинг (тонг отиб, ёрдан жудо булиб қолганидан афсусланмайди) сабаби еса ғазал давомида хикоянинг мазмунидан келиб чиқади.

Умуман, Навоий лирикаси таркибидаги сужетли ғазалларнинг бир нечтаси бахтиёр висол дамларининг оптимистик тасвирига бағишланган. ғазалдаги воқеа, холат тасвири шу қадар аниқ ва изчилки, куз олдингизда хаётий реал манзара бутун деталлари билан гавдаланади. Бундай ше`рларда фақат лирик қахрамон емас, балки махбуба образи хам гуё реал шахсдек баравар харакатда булади. Хатто у ошиққа нисбатан жасоратли булиб, дадил харакат қилади. Лекин ғазалнинг хулосаси бевосита лирик қахрамон билан боғлиқ холда якунланади. Хикоя ая шу хулосавий фикрнинг юзага чиқиши учун асос, сабаб сифатида хизмат қилади. Навоийнинг урта ёш даври ғазалларидан бирига мурожаат қилайлик:

Тун ақшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми сур`атидин гул уза хуйдин гулоб айлаб.

Бу байтда “тун ақшом” ибораси таркибидаги “тун” сузи “кеча, кечқурун” ма`ноларини емас, балки “тунов куни, тунов оқшом” ма`носини англатади. Акс холда вақт нуқтайи назаридан ма`носи бир-бирига яқин “тун” ва “оқшом” сузларини ёнма-ён қуллашда ма`но ё`к, бу сузлар узбек тилида бу холатда ишлатилмайди хам.

Хуллас, бир куни оқшомда ма`шуқа шитоб билан, тез юрганидан гулдай юзларига тер чиқиб ошиқнинг кулбасига кириб келади. Кейинги байтдаги портрет тасвири, образлар хам тун манзарасига муносиб:

килиб мужгонни шабравлар киби жон қасдига ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Шабрав – тункезар, уғри, босқинчи дегани. Ма`шуқа киприklarини ошиқ жонини олиш учун босқинчига айлантирган. Босқинчи еса, табиийки, купроқ тунда хужум қилади. Ёрнинг зулфи хам қоралиги билан тунга мутаносиб.

Кейинги байт оқшом манзарасини яна қуюқлаштиради:

қуёшдек чехра бирла тийра кулбам айлагач равшан,  
Манга титратма тушди зарра янглиғ изтироб айлаб.

Демак, оқшом тушиши билан ошиқнинг кулбаси тийраликка – қоронғуликка чулғанган, ма`шуқа еса қуёшдек чехраси билан бу қоронғу кулбани нурафшон қилган:

Шундан сунг ошиқ ва ма`шуканинг сужбатлари бошланади. Ул шух гузал булиб утирган ходисаларга ишонмай титраб утирган йигитнинг ёнига кулиб утиради-ю, хол-ахвол сурайди. Аммо йигит хаяжоннинг зурлигидан хеч нарса дея олмайди. Ма`шуқа еса шухлигини қуймайди: май чиқариб, бир қадах қуяди-да. Аввал узи ичиб, кейин ошиққа тутуди, зора, май уни бироз дадиллантиса:

Кулиб ултирди-ю, илким чекиб, ёнида жой берди,  
Такаллум бошлади хар лафзини дурри хушоб айлаб:  
“Ки ей зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?”

Мен улдум лол-у айта олмадим майли жавоб айлаб.  
Чиқорди шишайи май доғи бир соғар тула қуйди,  
Ичиб тутти манга, юз нав` нозосо итоб айлаб:  
Ки, ей Мажнун, пари курдинг магарким, тарки хуш еттинг,  
Такаллум қил бу соғарни ичиб, раф`и хижоб айлаб,

Шу йерда бир холатга е`тибор қилайлик: ошиқ учун мутлақо кутилмаган бир вазият юзага келган. Унинг азоб-уқубатлари сабабчиси, орзу ва интилишлари об`екти булган севгили уз оёғи билан келиб унга мархамат курсатмоқда. Бу тушми, хаёлми ёки хақиқатми? Борди-ю хақиқат булса, бечора ошиқ, қандай холатга тушиб қолиши мумкин?

Ичиб, фарёд етиб туштум аёғига, бориб уздин,  
Мени, ё`қ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Нихоятда табиий хол: уни бехудлик холатига олиб кирган асосий куч — бу сабаб, фақат майнинг та`сири емас, балки ёрнинг кутилмаган лутф-у мархамати. Сабаб ва унинг оқибати хаётий, мантиқан тула асосланган. Лекин ғазалнинг умумий хулосаси олдинда.

Лирик қахрамонга омад ёр булиб, кутилмаган, ғойибдаги бахт кулиб боқди, у висол уйқусига еришди.

Ана шундай холатдан жудо булиш еса яна бахцизлик, хижрон гирдобига тушиш демак.

Аниким елтқай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субхи махшар тарки хоб айлаб.

Лирик қахрамон идеал холатда. Бундай бахтга фақат хавас билан қараш, орзу қилиш мумкин. Шу жумладан, Навоий хам уз номини курсатиб, ел катори уни хавас билан кузатган ёки ешитган шахс каби шундай бахт узига хам насиб қилишини орзу қилади.

Сужет лирик қахрамон — шоир тилидан баён қилинган, лекин асосий поетик сужет тугаб, умумлаштирувчи хулосага келганда, шоирнинг узи қоладики, бу хам мантиқан асосли. Чунки ошиқ висол уйқусига кетган,

кимдир хулоса ясаши лозим. Бу чексиз хижрон азобларини чекиб, висол дамларини орзу қилаётган шоир — Навоий. Бахтиёрлик лахзалари курсатилган юқоридаги манзара ҳам хаёл — фантазия қудрати билан яратилган миниатур спектаклдан иборат. Бу спектаклда бахтиёр ошиқ билан умидвор шоир контраст ҳолатда. Ана шундай зиддиятли вазият (ситуация) уларнинг психологик кечинмалари ва рухий ҳолатларини ҳам белгилайди. Булар — идеал ҳолат ва унга тинмай интилиш. Шоирнинг уз идеалини кутиб, унга тикилиб, «то субҳи махшар тарки хоб айла»ши сабаби ҳам ана шунда.

Агар мазкур ғазалда воқеа макон ва замон жихатидан лирик шеър имконияти доирасида конкрет булиб (тунов куни оқшом, ошиқ кулбаси), утган замон сифатида тасвирланган бўлса, баъзи бир ғазалларда («Хуштурур бир тийра шои хажр ики ёр учрашиб») идеал ҳолат манзараси бутунлай фантазия асосига — ширин орзунинг махсули сифатида тасвирланади ва хулосада шоирнинг узи ҳам ана шундай хаёлий мулоҳазаларини «махол андиша» деб тан олади («Фавойид ул-кибар»).

Умуман, идеал манзара, ҳолат тасвирига бағишланган поетик сужетли ғазаллар Навоий девони учун характерли ҳодиса булиб, унинг дастлабки гузал намуналари шоир ижодининг дастлабки (илк ва йигитлик) даврига мансуб.

Поетик сужетли ғазалларнинг яна бир гуруҳи мавжудки, улар поетикасида бошқача манзарани мушоҳада етамиз. Бундай ғазаллар моҳият етбори билан аҳдига вафосиз ёрдан шикоят, унга йетишиш туйғуси билан боғлиқ кечинмалар тасвирдан иборат. Олдинги гуруҳ ғазалда идеал ҳолат батафсил тавсифланиб, ошиқ кечинмалари ана шу жараён билан боғлиқ, унинг оқибати сифатида юзага чиқса, бу гуруҳ шеърларда асосий етбор ошиқнинг муайян пайтдаги кечинмалари тавсифига қаратилади ва унинг сабабига ниҳоятда ихчам тарзда — бир ибора, мисра ёки байтда ишора қилиб утилади. Масалан, қуйидаги ғазалнинг биринчи мисрасида сабаб тилга олинади, кейинги мисрадан бошлаб бутун шеърда уз маъшуқасини интизорлик билан кутган

ошиқнинг тун буйи чеккан изтироблари, рухий холати изчил тасвирланади. Унинг хатти-харакатлари, рухий оламига хос туғённинг нақадар ёрқин ва реалистик эканлигини фақат шундай холатни уз бошидан кечирган шахсгина хис етиши мумкин:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,

Кузларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади...

Умуман, идеал висол онлари (хох воқеий хикоя, хох хаёлий тарзда булсин) хикоя қилинган ғазалларда биринчи планда макон билан боғлиқ деталлар, ошиқ ва асосан, ёрнинг ҳаракатлари, сунгра еса лирик қахрамоннинг рухий кечинмалари тасвири берилса, кейинги тип ғазалларда лирик қахрамон ҳаракати ва кечинмалари (оқибат, натижа) биринчи планда, унинг сабаби еса утмиш ҳақидаги хикоя тарзида емас, балки мухтасар хабар тарзида (юқорида) бир мисрада келади.

Навоий девонида ҳам тавсифий ҳамда мулохаза, муҳокама характеридаги шеърлар купчиликни ташкил этади. Бундай ғазалларда сабаб ва оқибат муносабати бошқачароқ, узига хос намоён булади. Масалан, тавсиф жараёнида шоирнинг об`ектга нисбатан ижобий ёки салбий муносабати ҳам, унинг психологик холати ҳам (поетик тасвир воситалари, қофия, радиф ва х.к.) куришиб туради. Баён, мулохаза услубидаги ғазалларда субъектив кечинма ва унинг сабаблари очикроқ куринади (масалан, баҳор билан боғлиқ пейзаж тасвирида):

Навбахор айёми булмиш, мен диёр-у ёрсиз,

Булбул улғондек хазон фасли гул-у гулзорсиз, -

матла`ли ғазалда («ғаройиб ус-сиғар») бошқача талқинга дуч келамиз: доимо шоирга узгача кайфият бағишлаган яшариш фасли унинг рухиятига бутунлай бошқача та`сир қилади. У е`тироф этади: шундай гузал фаслда «Равза ашжори (дарахтлари) утундур, гуллари жонимға ут». Чунки «навбахор айёми булмиш, мен диёр-у ёрсиз». Шоирда у севган фаслда рухига зид булган кайфиятнинг юзага келиши сабаби ана шу мисрада ифодаланган. Бу ғазал

Навоийнинг йигитлик даврига — қунимсиз, бекаслик пайтларига мансуб эканлигини назарда туцак, унинг замирида хаётий хақиқат ётганлигига шубҳа қолмайди.

қуйидаги ғазал ҳам мушоҳада-муҳокама характеридаги шеър булиб, қарилик даври лирикаси намунаси:

Кимсани дард ахли деб сирримга махрам айладим,  
Уз-узумни куч била расвойи олам айладим.  
Ахли роз ел оллида одам деса булмас мани,  
Менки уз розимға махрам жинси одам айладим.  
Бул ажаб сирримни махфий асрамоқ душвор еди,  
Барча гар Фарход ила Мажнунни хамдам айладим.  
Уз ғамим ифшосидин оламниким қилдим қаро,  
Иш узумға демаким, оламға мотам айладим.  
Айладим жонимға юз бедод, лекин улмаги  
Сиррим ифшоси била ерди, ани хам айладим.  
Елга расво булмоғи булдим, не суд емди агар  
Юз туман мисмор ила оғзимни махкам айладим.  
Кофири ишқ улмоқ ермиш фош қилмоқ сирри ишқ,  
Номусулмонлиқни кунглимга мусаллам айладим.  
Шодмен ахли замон бирла замондинки узум  
Айладим уз қисматим, андух агар ғам айладим.  
Ей Навоий, дема сирринг кимсага мундоқки мен  
Кимсани дард ахли деб сирримга махрам айладим.

Замон ва замон ахлидан шикоят ғазалнинг асосий мавзуси хисобланади. Шоирнинг асосий хулосаси, укувчига қаратилган угит-насихати мактаънинг биринчи мисрасида мурожаат тарзида келади: “Ей Навоий, дема сирринг кимсага...”

Шоирни ана шундай қатъий хулоса чиқаришга мажбур етган шарт-шароитлар еса юқоридаги байтларда изчил изохланган. Шоир бошига тушган

оғир кулфатларнинг, расвойи олам булишининг сабаби нимада? Бунга ҳам унинг узи: “Кимсани дард ахли деб сирримга махрам айладим” ва натижада “Уз-узумни куч била расвойи олам айладим”, - деб жавоб беради. Шоирнинг асосий мақсади – номақбул замон ва замон ахлидан шикоят, уни қаттиқ танқид остига олиш. Лекин у уз муддаосига туғридан-туғри емас, билвосита еришади. Я`ни уз-узини маломат қилиш (уз замонаси ва замондошларига уринсиз ишонч билдиргани учун), уз шахсиятига хос айрим жихатларни (аслида туғри фазилат – кишиларга ишонч, очик кунгиллик) қоралаш орқали ноахл кишилар ва уларни йетиштирган замонани қоралайди. Шу жихатдан епиграмма характеридаги 8-байтда биринчи мисра (Шодмен ахли замон бирла замондинким, узум) замирида аччиқ кесатик, захархандалик ётади. Зотан, бу замонда бирор кимсага юрагини очиб, сирдошлик қилиш мумкин емас. Мен била туриб, ана шу ишни қилдим. Демак, барча ташвишлар учун бошқалар емас, менинг узим сабабчиман. Чунки уларнинг фе`л-у атвори уз-узидан ма`лум-ку! Ше`р шоирнинг бошқалар учун ибратли булган хулосага келиши учун туртки булган асосий сабабни баён қилиш билан бошланади. Шундан кейин ана шу сабабнинг оқибати ва ниҳоят, шоирнинг хулосаси келади. Шоир ше`рни узининг муҳим хулосаси (ше`рдаги бош фикр ҳам шу) хулосаси сабабини яна бир карра еслатиш ва алохида та`кидлаш билан якунлайди. Демак, мазкур ғазалда радд-ул-матла` шоирнинг асосий ғояси, ше`рдаги бош фикрнинг пайдо булиши учун асос булган сабабни та`кидлашга хизмат қилган.

Навоийнинг, хусусан, ижтимоий, дидактик рухдаги ғазалларида шоир фикр ва кечинмаларининг туб сабаблари кузга ёрқин ташланиб туради. Публицистик рухдаги ше`рларда буртиброқ (хитоб, мурожаат, риторик савол, ундов, раддул-матла` сан`ати воситасида) куринади. Ше`рдаги тасвир типи (услуг) билан боғлиқ холда, турлича аспектда (бутун ғазал давомида, айрим мисра ёхуд байтда, радиф воситасида ва х.к.) намоён булади. Хуллас, Навоий ғазалиётида, умуман, Навоийнинг купгина форсигуй салафлари ғазалиётида

хам сабабият жанр поетикасининг узига хос хусусиятлари билан боғлиқ холда амал қилади.

### **III .3. Навоий лирикасида “Боис” радифли ғазаллар**

Алишер Навоий ғазалларини сабабиятнинг воқеланишига кура кузатиш жараёнида шу нарса маълум булдики, шоир сабабият ходисасига бевосита ишора қилувчи “Боис” радифли шеърлар ҳам яратган экан. Бундай шеърлар бир нечта булиб, ғазал ва рубоий жанрларида ёзилган. Сабабга ишора қилувчи “боис” сузининг радиф сифатида қулланганлиги учун ҳам олдиндан айтиш мумкинки, бундай шеърларда сабаблар ва оқибатлар – матла`да радиф икки марта қулланишини ҳисобга олсак – ғазал байтлари сонидан битта куп булиши мумкин. Мазкур радифли рубоий 1та булиб, “ғаройиб ус-сиғар” девонида берилган:

Булди менинг улмагимга савдо боис,

Савдоға хавойи жоми сахбо боис.

Сахбоға дағи дайр-у чалипо боис,

Бу барчаға ул дилбари тарсо боис.<sup>19</sup>

Ушбу рубоийда ҳам сабаб-оқибат юқоридаги рубоийларда куриб утганимиздек, силсила тарзида намоён булган. Я`ни ошиқнинг улишига савдо – қора утнинг ошиб кетиши, савдога – қизил май (сахбо), қизил майнинг куп ичилишига – дунё ва бут, буларнинг барчасига еса – тарсо гузали (насроний дилбар) сабабчидир. Ошиқнинг халокати билан характерланадиган оқибат бориб-бориб бир гузалга ошиқликка тақалади.

“Боис” радифли ғазаллар еса 4тани ташкил қилади. Мавзу сабабият масаласига бағишлангани ҳамда “Боис” (сабаб) – сабабиятни курсатувчи сузнинг бевосита радиф сифатида танлангани учун мазкур ғазалларни алоҳида фасл доирасида куриб утишга ҳаракат қилдик.

---

<sup>19</sup> Навоий А. МАТ. 20 томлик. 3-том. – 567-б.

“Боис” радифли ғазал дастлаб шоирнинг “Бадойи` ул-бидоя” девонида учрайди<sup>20</sup>. “Фавойид ул-кибар” девонидаги “Боис” радифли 90-ғазалнинг дастлабки икки байти мазкур ғазалнинг дастлабки икки байтига ухшаб кетади:

“Бадое` ул-бидоя”, 93-ғазал:

Менинг расволиғимға бодайи гулгун ерур боис,  
Майи гулгун ичарга соқийи мавзун ерур боис.  
Паривашлар жафосиға гина бил телба кунглумдин,  
Буким тош ёғдирур атфолл, анга Мажнун ерур боис.<sup>21</sup>

“Фавойид ул-кибар”, 90-ғазал:

Булди бехудлуғума бодайи гулгун боис,  
Ани нуш айлагали соқийи мавзун боис.  
Буки, лайливашим оллида фидо қилдим жон,  
Булди бу қиссаға афсонайи Мажнун боис.<sup>22</sup>

Хар иккала ғазалда қофия бир хил, вазн еса турлича. Матла`да мазмун деярли бир хил: я`ни лирик қахрамон узидан кетиб бехуд (1-ғазалда расво) булган, бунинг сабаби қип-қизил май, май ичишга еса май сузувчи соқийнинг бенихоя гузаллиги сабабдир. Кейинги байтларда қофия ва образлар (талмих – Мажнун, телба кунгил) ухшаш булса-да, мазмун турлича. ғазалнинг давомида фақат битта қофия (“афзун”) хар иккала ғазалда такрорланади, шу байтлардаги мазмун ҳам ухшаш:

1-ғазал: Лабинг жонбахш аёғдин бошингга қотил, не айб, улсам, ,

Тирилмакликдин улмакликка чун афзун ерур боис.

2-ғазал: Ултурур хол-у хат-у қош-у куз-у ғамзаси хам

Бор анга қатлима андозадан афзун ерур боис.

---

<sup>20</sup> Ushbu g'azal “Navodir ush-shabob”ga ham 91-raqam ostida kiritilgan. Q.: Navoiy A. Navodir ush-shabob // Navoiy A. Hazoyin ul maoniy. 4 tomlik. 2-tom. Ilmий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи: Ҳ.Сулаймонов. – Т., Фан, 1959. – 95-б.

<sup>21</sup> Navoiy A. MAT. 20 tomlik. 1-tom. – 99-б.

<sup>22</sup> Navoiy A. MAT. 20 tomlik. 6-tom. – 68-б.

Я`ни хар икки байтда хам ма`шуқанинг узвлари ва улимдан суз боради. Дастлабки ғазалда лаб, кейингисида ёрнинг холи, лаб устидаги туклари, қоши, кузи бирваракайига ошиқ жонига қасд қиладилар. Аммо хар иккала ғазалда хам халок қилиш даражаси баланд (афзун).

Биринчи ғазалдаги байт парадокс ҳолатлардан баҳс этади. Ма`шуқанинг лаблари жон бағишлайди, айна пайтда бу лаблар узатган май қадахи (аёғ) ошиқнинг улимига хам сабаб булиши мумкин, бу ҳолат “Хар лабинг улганни тиргузмакка, жоно, жон ерур, бу жихаттин бир-бириси бирла жоножон ерур” байтини есга солади. Я`ни гузалнинг бир лаби ошиқни улдирса, бири жон бағишлайди, улдириб-тирилтириш машқида улар иккаласи жонажон иттифоқ тузганлар. Аммо дилбарнинг бир лаби улдириб, биттаси жон бағишласа-да, ошиқнинг халок булиш ехтимоли куп (афзун, шунинг учун ошиқ улиб-тирилиш, тирилиб-улиш жараёнида буткул халок булса, уни айб қилиш керак емас.

Хар иккала ғазалда хам кейинги байтларда шоир ма`лум ҳолатни тасвирлайди-да, шу ҳолат ёки тасвирнинг сабабини бериб кетаверади. Шу тариқа ошиқнинг хар бир харакати, ҳолатининг илдизлари изчиллик билан очила боради.

“ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 91-ғазал хам “Боис” радифи билан битилган:

Менинг жунунима гар ул парий ерур боис,

Халокима қад ила пайкари ерур боис.<sup>23</sup>

Ушбу матла`да ошиқнинг икки ҳолатига икки сабаб курсатилган: ошиқнинг телба булиши парига ишқ қуйганлиги туфайли, халок булиши еса унинг қадди ва гавдаси туфайли. Халок булиш – асосий оқибат сифатида майдонга қуйилади, кейинги байтларда еса изчил равишда мана шу оқибатга боис булган ходисалар курсатилади:

---

<sup>23</sup> Навоий А. МАТ. 20 томлик. 3-том. – 92-б.

- ёрнинг юзи – шу`ла, лаблари – бир парча чуғ, шунинг учун ошиқ куяди;
- ёр осмондаги ой ва қуёшдир, шунинг учун кунгил қуши унга томон хаво қилади;
- ошиқ ма`шуканинг ғамзаларидан улган булса-да, аммо унинг лаби жонбахшлигидан абадий хаётни хаёл қилади;
- булбул боғда завқ-шавқ билан куйлаётган булса, бунинг сабаби гул дафтарининг варақларидир;
- ошиқ оқшомларда ул ой фироқида куз ёшлар тукади, сабаб шуки, зухра билан муштарий куринади-ю, ул ой куринмайди;
- ошиқ улимга – кунгилни чок қилишга, бағрини ёриш(шикоф)га рози, чунки шунда ма`шуканинг қиличи (қошлари) ва ханжари (киприклари) ошиққа яқин келади;
- лирик қахрамон хамиша майхонада, бунинг сабаби май ташувчиларнинг ноз-карашмаси-ю, фано соғари(май қадахи)дир.

То макта`гача тасвирлар шу тахлит давом етади. Охирги байтда шоир яна матла`даги фикр – халок булиш масаласига қайтади, аммо энди халок булишдан емас, улмасликдан гап боради:

Навоий улмасиға озими Ироқ-у Хижоз,  
Магар назохати мулки Хирий ерур боис.

Ушбу байт Ватанга мухаббат туйғусига ё`ғрилган. Агар ғазалнинг қариллик даври лирикасига мансублиги<sup>24</sup>дан келиб чиқсак, уни Навоий Астробод хокимлиги даврида – Хиротни жуда соғинган, Хиротга қайтиш учун Хусайн Бойқарога илтимослар қилиб юрган пайтларида ёзган, дейишимиз мумкин.

Навоий ғазалларида аксарият холларда адабиётшунослар томонидан аниқланган шундай услуб кузга ташланади: макта`дан олдинги байт купинча фалсафий, тасаввуфий мазмунда булиб, бошқа байтлар билан тула ма`нода

<sup>24</sup> Q: Навоий А. Ғаройиб ус-сиғар // Навоий А. Хазойин ул маоний. 4 томлик. 1-том. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи: Х.Сулаймонов. – Т., Фан, 1959. – 779-б.

боғланиш хосил қилмайди, ғазал ичида “бегона”дай булиб туради. Навоий бу усул орқали узи учун ишқий ғазалчилик ан`анаси ичида хар қандай ше`рга фалсафий мазмун юклаш, мазмунни кучайтириш имконини яратиб олади. Мазкур ғазалда еса мақта`дан олдинги байтдан ташқари охирги байтнинг узи хам ғазалнинг бошқа байтлари билан фақат радиф, вазн, қофия ва улим мотиви орқалигина боғланыпти. Аммо асосий мавзуга дахли камроқ, балки Навоий Хирот соғинчини атайлаб, муайян нозик сабабларга кура ан`анавий ишқий ғазал мағзига сингдириб юборган булиши мумкин.

“Бадое` ул-бидоя” ва “Фавойид ул-кибар”даги “Боис” радифли икки ғазалда курганимиз сингари “ғаройиб ус-сиғар”даги хозир куриб утганимиз 91-ғазал билан “Бадое` ул-васат”даги 90-ғазал уртасида хам айрим ухшашликлар бор:

“ғаройиб ус-сиғар”, 91-ғазал	“Бадое` ул-васат”, 90-ғазал	Алоқадорлик
1-байт Менинг жунунима гар ул парий пайкар ерур боис, Халокима қад ила пайкари ерур боис	1-байт. Менинг мажнунлиғимға ишқ-у савдо гар ерур боис, Ва лекин бу икига бир пари пайкар ерур боис	Жунун мотиви; пари, пайкар образи
2-байт. Дема, недин куясенким, анинг юз-у лабининг Бу ишга шу`ла била ахгари ерур боис	3-байт. Кунгулда оташин ла`линг ғами, айб етма куйсамким, Туташмоққа танним хошоки ул ахгар ерур боис.	Куйиш мотиви, лаб – ахгар (бир лахча чуғ) образи
3-байт. Кунгул қуши туну кун мулки бохтар сари Хаво қилурға махи ховарий ерур боис.	4-байт. Уқунгдин пар чиқордим, куяунга қилсам хаво, тонг ё`қ Ки, учмоқ майли қилмоққа бу бол-у пар ерур боис.	Учиш (хаво қилмоқ) мотиви

4-байт. Мангаким, ғамзасидин улмишам, хаёти абад Хаёлиға лаби жонпарвари ерур боис	5-байт. Фироқинг биймидин юз қатла жон бергай едим, лекин Хаётимға умиди ла`ли жонпарвари ерур боис	Тириклик ёр лабининг жонпарварлигидан еканлиги
8-байт Хамиша дайр ичида булмоғимға муғбачалар карашмаси-ю, фано соғари ерур боис	7-байт. Агар рахн улди тасбих-у ридо майхонада, ей шайх, Ичарга дайр пири илгидан соғар ерур боис	Хамиша майхонада булишнинг сабаби соғар еканлиги

“ғаройиб ус-сиғар”даги 91-ғазал қарилик даври лирикаси намунаси булса, “Бадое` ул-васат”даги 90-ғазал урта ёш даври ше`рияти намунасидир.

Хар туртала девондаги ғазаллар Алишер Навоий ижодий лабораториясини кузатиш учун яхши материал бера олади. Чунки ухшаш байтларга ега икки ғазалнинг пайдо булиши шоир хаётидаги реал воқеа билан боғланган булиши хам, ёки бир қораламанинг икки хил ривожини хам булиши мумкин.

Умуман, Алишер Навоийнинг боис радифли ғазаллари сабабият ходисасини кузатиш учун яхши материал бериш билан бирга Алишер Навоий ижодида мазкур фалсафий категориянинг шунчаки тасодифий ходиса булмай, чуқур заминга ега еканлигини курсата олади.

**ИИИ б о б**  
**САБАБ-ОҚИБАТ КАТЕГОРИЯСИ ВА БАДИИЙ ТАСВИР**  
**ПОЕТИКАСИ**

**ИИИ.1. Сабабият – ғазал композициясини уюштирувчи восита сифатида**

Мазкур магистрлик диссертациясининг мавзуи булган сабабият ходисаси Алишер Навоий ғазалларида структурани шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу муҳим аҳамият шу билан характерланадики, айрим ғазалларда сабабият шеър структурасини шакллантирувчи асосий восита сифатида майдонга чиқади. қаламга олинган барча ҳолат-ходисалар, тасвирий воситалар ана шу сабаб туфайли шаклланади. Мисол учун қуйидаги ғазалга диққат қилайлик:

Ей кунгил, душманлар онча макр ила фан қилдилар

Ким, вафолиғ дустни жонимга душман қилдилар.

Байтнинг асосий мазмуни “душманлар макр-хийла билан дустни душманга айлантирдилар”дан иборат. Аммо ҳар бир от (шаҳс, нарса-ходиса)нинг уз поетик аниқловчиси бор: дуст – шунчаки дуст эмас, “вафолиғ дуст”; у шунчаки душманга эмас, жоннинг душманига айланган; макр-хийланинг ҳам муайян даражаси, миқдори бор – “онча макр ила фан”. Зеро, дустнинг душманга айланиши унча даҳшатли эмас, аммо вафолиғ дуст булса-чи? Устига-устак вафолиғ дуст шунчаки душманга эмас, жон душманга айланади. Айнан вафоли дустни айнан жоннинг душманига айлантирмок учун еса шунчаки макр-хийла кор қилмайди, унинг муайян миқдори – “онча макр ила фан” ёхуд макр-хийлани сан`ат даражасига олиб чиқмоқ лозим булади. Шоир қалбидан вулқондай отилиб чиққан афғоннинг, изтироб ути баландлигининг боиси шунда. Ушбу матла`байт информация характерига ега. Ана шу информация кейинги байтларда бериладиган ҳолатларнинг

сабаби сифатида майдонга чиқади. Я`ни ғазалнинг кейинги турт байти юқоридаги сабаб туфайли юзага келган холатнинг бадиий манзараларидан иборат. Вафолиғ дуст макр сабаб булиб чархлар юз карра ортига айланганда хам дуст булмас душманлар сафидан урин олган экан, оқибати не булди?

Дуд бошимдан чиқар, гуёки хижрон тошидин

Ёғдуруб хар ён, бу гунбад узра равзан қилдилар.

Гунбад – гунбаз, гумбаз; равзан – туйнук, тешик ма`носида. Инсоннинг жисми бир гунбаз деб хаёл қилсак, унга хар ёғидан хижрон тошлари ёғдирилгани боисидан, тешиклар пайдо булган, бу тешиклардан еса сузона юракнинг дудлари чикмоқда. Хар бир ташбих, тафсилот, детал чукур хаётийликка, ассоциацияга асосланган: инсон танаси юқорига томон торайиб бораркан, гунбазни есга солади. Модомики, юрак ёнаётган экан, дуд пайдо булиши табиий ва бу дуд чиқиб кетмоғи лозим, дуд чиқиши учун еса тешик-туйнук керак – бу дудбурон душманга айланган дуст хижронининг тош янглиғ ёғилишидан хосил булаётир. Дуд тепага қараб ё`налади, шунинг учун хам у фақат бошда хосил булган тешиклардан чикмоқда. Кейинги байт:

Бошима жулида соч ермаски, зоғ айлаб ғулу,

Захмлардан тума истарга нишиман қилдилар.

Бу байтда луғат варақлашни талаб етадиган сузлар бирмунча: жулида – паришон, ёйилган; зоғ – қарға; ғулу – хужум, ёпирилиш; захм – яра, жарохат; тыма – озиқ, таом, лукма, йем; нишиман – ин, уя. Шоир яна тасаввурини созлайди, дуст хижронидан озурдажон булган инсоннинг изтиробларини конкрет манзараларда кура бошлайди. Сочнинг паришонлиги – хол паришонлигининг, бузилган рухий мувозанатнинг белгиси; бу холнинг сабаби матла`да баён етилган. Жулида соч шоир хаёлига “зоғ”, “яра, жарохат” каби ёқимсиз холатлар, вазиятлар билан боғлангувчи образларни келтиради: бошда паришон ёйилган нарса бу сочлар емас, улар гуёки айрилиқ дарди туфайли бошда пайдо булган яраларга йемиш излаб ёпирилган, шунда уя қурган улаксахур зоғлардир. Бу байтда хам асослаш

сан`ати хадди а`лосига олиб чиқилган: сочлар бошдан бир зумда тушиб кетадиган нарса емас, улар бошга илдизлари билан урнашганлар – “зоғлар”нинг хам “қундилар” емас, “нишиман қилдилар” – уя, ин қурдилар дейилётганлиги шундан.

Дуст хижронига дучор булган инсоннинг изтироблари теварак-атрофга, табиатга, оламга хам акс садо беради:

Хажр шомидин осиб гардун қаро киз буйнуға,

Субх чок айлаб яқо холимға шеван қилдилар.

Я`ни: само буйнига хажр шомидан қора кигиз осиб, тонг ёқасини чок айлаб, менинг холимдан афғон чекдилар, нола қилдилар. “қора кигиз” ташбеҳидан мурод – зимистон осмон; “ёқасини чок айламоқ” истиорасидан мурод – йер-у осмоннинг туташ зулматини йиртиб, бир-биридан айириб уфқда пайдо буладиган тонг ёруғлиги, офтобнинг илк шу`лаларидир.

Учмиш ерди ишқ ути, хасдек танимни дард-у шавк

Куйдуруб, гуё бу тутрук бирла равшан қилдилар.

Ба`зи нашрларда “туфроғ” шаклида келган сузни Алишер Навоий мукаммал асарлари 20 томлигининг ИИ жилдида берилгани каби “тутрук” деб уқиш керак, акс холда байт мазмуни ноаниқ булиб қолади. Байтнинг мазмуни қуйидагича: ишқ ути-ку учган еди, таним хасдек (йенгил, курук, я`ни ишқсиз тан – мохияциздир) булиб қолган еди, аммо дард ва шавк (урганиш, уткир орзу, зур хавас, қаттиқ интилиш, кайф, истак) тутрук(тутантирик)қа айланди-ю, хас – тан қайта ёниб кетди, равшанлик пайдо булди. Навоий асарларида намоён буладиган мукаммал бадий образнинг, деталнинг, тафсилотнинг муносабатдорлиги, тақозодорлиги конуни байтдаги ут, хас, учмоқ, куйдурмоқ, равшан каби унсурлар орасида “туфроқ” емас, “тутрук”(тутантирик)нинг булишини талаб етади.

Мана, душманларнинг макр-хийласи-ю, дустларнинг душманга айланиши қандай холларга олиб келди! Енди нима қилмоқ, қай равиш ё`л

тутмоқ керак? Бу чорасизликнинг чораси недир? Охирги икки байт мана шулардан бахс этади:

Бода тутким, ахли хикмат чарх бемехр ерканин  
Жом даври хатлари бирла мубархан қилдилар.

Ей Навоий, Ка`ба тут ё дайрким, ахли жахон  
Журм-у ғамдин бу ики манзилни ма`ман қилдилар.

Чарх, я`ни тақдир бемехрдир. Бунинг бир мисоли хар не вафолиғ дустнинг хам душманга айланиш ехтимоли булса, яна бири “жом даври хатлари” (май пиёласи гирдидаги чизиқлар) – бу хусусдаги аниқ белгилар, я`ни ахли хикматнинг бизга қолдирган сабоқларидир.

Чарх сузининг “осмон”, мехр сузининг “куёш” ма`нолари хам бор. “Чарх бемехр ерканин” жумласи орқали бу дунёнинг зулматхона еканлигига хам ишора етилмоқда. (“Жом даври хатлари” – айлана-доира шаклидаги қадах (пиёла) ва унинг гирдо-гирдидаги чизиқлар шаклан осмон ва куёшга хам муносабатдор.) Ана шу зулмат ма`носи орқали мазкур иккилик узидан олдинги байт билан боғланади: я`ни бу дунё зулматхона булса-да, уни равшан етадиган нарса ишқ утидир.

Бода – тасаввуфий ше`риятда хақ ё`лига кирмоқликнинг мажози. Шу боис вафосиз дунёда вафолиғ дустларнинг бевафолигидан ягона чора – бода, узни хақ ё`лга чоғламоқдир. Бунинг учун ё Ка`бани, ё дайр (бутхона, майхона)ни маскан тутмоқ жоиз – бу ё`лнинг туғрилиги ахли жахоннинг тажрибалари билан исботлангандир. Зеро, ахли жахон учун хамиша журм(гунох)дан хам, ғамдан хам омонлик жойи, тинч жой (ма`ман) шу икки манзил булиб келган.

Шоир мақта`да укувчига усталик билан иккилик-жуфтликлар силсиласини тақдим этади: Навоий ва ахли жахон, Ка`ба ва дайр, журм ва ғам, ниҳоят, умумлаштирувчи “ики манзил”; лафф-у нашр сан`ати орқали Ка`бани журмга, дайрни ғамга мувозий келтиради. Зеро, гунохдан фориғ

булмақлик учун Ка`бани, ғамдан озод булмақлик учун дайрни манзил тутмоқ лозим.

Энди иккинчи бир ғазалга диққат қилайлик. Бу йерда ҳам сабабият ғазал композициясини шакллантирувчи асосий унсурдир:

Боғ мендек сорғариб, булбул менингдек булди лол,

Гуйиё мундоқ булур бир гулдин айрилганга хол.

Я`ни “боғ мен каби сарғайди, булбуллар менинг каби лол булиб, сайрамай куйдилар, бунинг сабаби шуки, боғ ҳам, булбул ҳам, мен ҳам уз гулимиздан айрилганмиз”.

Ше`рда бошдан-охир куз фасли манзараси берилган. Кузда боғнинг сарғариши, гулларнинг хазонга юз тутиши ҳаммага аён. Аммо булбулнинг кузда сайрамаслигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Орнитологик кузатишларга кура, булбуллар июнь-июль ойларидадан кейин сайрамай куяр экан. Нозикта`б шоир мана шу хаётий фактни, яхши билган холда, ташбех доирасига тортади ва асосли кучим яратади.

Матла`да ғазалнинг бутун кейинги байтларида бериладиган холат ва манзараларнинг сабаби берилади. Шундан ше`рда тасвир етилган рухий холат ва кайфиятлар мавхум булиб қолмай, аввал-бошдаёқ бунинг сабаби хижрон эканлиги айтиб утилади – ғазал сабаб-оқибат муносабатлари орқали аниқ хаётий манзара касб етади.

Матла`дан бошлаб фалсафий мушохадалар ин`икос топган 7-байтгача шоир куз фасли манзараларини изчил равишда лирик қахрамоннинг рухий холатига қиёс ета боради. Бу байтлар матла`да берилган сабабнинг оқибатлари улароқ идрок етилади:

Йердаги ёфроғ ғариб-у хоксор ар булмаса,

Мен киби не важхдиндур юзи сориг, ашки ол?

Сувғаким тушмиш қизорғон барглар, курган киши

Куз ёшим ичра бағир парголеси айлар хаёл.

Шох Мажнундирки, урён булубон афғон қилур,  
Барг Лайлодурки, нил-у игна бирла қазди хол.

Хажр аро охимға боқмай борди, лекин шукр ерур  
Ким хазонда сарвға осиб йеткурмас шамол.

Бу сариғ рухсор уза хар сори ашким ухшашур  
Бир хазонлиғ боғ ичинда хар тараф равшан зилол

Шоир сарик, қизил тусларда хазонга юз тутган япроқларни узига ухшатади – модомики, улар хижронда қолган ошиқ сингари ғариб, камситилган – йер билан баробар булмасалар, нега юзлари за`фарон, куз ёшлари қонранг (2-байт)?

Бу қизарган барглар сув юзида хам сузиб юришибди – улар шу холатда юракнинг куз ёши дарёсида юзиб юрган қонли парчаларига ухшайди – зеро, юрак хижрон туфайли қонга айланиб, парча-парча булган, бу парчалар куз ёши билан ташқарига чиқмоқда (3-байт).

4-байт ше`рга кучириб булмасдек туюладиган хаётий тафсилот орқали хосил қилинган кучим билан, шоир ассоциатив тасаввурининг беқиёс кучидан дарак берарак, кишини лол қолдиради. Шох – телба Мажнун, у телбалигидангина урён (яланғоч) емас. Чунки барг – Лайло унинг баданига татуировка – хол қуймоқда. Бундай хол еса яланғоч баданга игна санчиш орқали қуйилади. Шох афғон чекаётир, дод солаётир; чунки баданига игна санчилаётган хар бири кишининг ох-дод қилиши табиий хол. Шохдан узилиб тушган барг, унинг нозик бандлари туфайли шохда хол шаклида қолган доғ ва яланғоч шохнинг куз шамолида чийиллаб-шувиллаган овозлар чиқаришини бундай инжа кузатиш, олам системасининг икки булаги булмиш табиат ва жамият манзараларини узаро бу тахлит дахлдор қилиш, уни аруздай инжиқ вазндаги ше`рда интенсив ифода етиш, сузда бундай гузал

мусаввирона манзара чизиш ижодкор тасаввур ва идрокининг бепоёнлигидан, шоирона исте`додининг юксаклигидан.

Кейинги байтда сарв дарахтининг қишин-ёзин яшиллиги билан боғлиқ яна бир ажойиб хаётий тафсилга дуч келамиз (5-байт). Ошиқ ишқ туфайли охлар чекади, аммо ма`шуқа бу охга парво қилмай, ошиқни тарк этади. Шоир шу ҳолатни ҳам фасли ҳазон манзараларига муқобил қўяди: куз шамоллари одатда дарахт баргларини сарғайтиради, тукади; аммо сарв – доимий яшил дарахт – куз шамоллари унга та`сир қилмагани сингари ошиқнинг куз шамолидай охи ҳам сарв сингари қадрасо ёрга зарар (осиб) етказмайди. қизиғи шундаки, ма`шуқадан шундоқ буюк жафолар курган ошиқ ёрнинг уз охларидан зарар курмаганидан хурсанд. “Шукр ерур” жумласи ана шундан далолат беради. Аслида ошиқликнинг ма`носи ҳам жафони вафо билан қарши олишда.

2-байтда суз очилган юзи сариқлик бахси 6-байтда ҳам давом этади. Ошиқнинг интизорликдан сарғайиб кетган юзларида оқиб ётган куз ёшлари ҳазон босган боғ ичидан турли тарафларга қараб ё`налган тиниқ сувли ариқчаларга ухшайди. Шоир бу йерда ҳам хаётий тафсилотнинг аниқлигига бее`тибор қолмаган, “равшан зулол” жумласида кузда ариқ ва сойлардаги сувларнинг сокинлашиб, тиниқ тортиши ифода етилган. Кузги сувлар мана шу тиниқлиги билан кузёшга ухшайди.

ғазал муаллифи матла`даёқ теварак-атрофда кечаётган тийрамох фасли узгаришларида узининг ташқи куриниши билан ухшашлик куради: боғ унинг чехрасидек сарғайган, булбулнинг куйи уники сингари тинган, йердаги япроқлар унинг каби ғариб-у тупроқпоймол, сувдаги қизил барглар – бағирнинг куз ёшларида сузиб юрган қонли парчалари, шохлар унинг сингари телба ва яланғоч, кузнинг совуқ шамоллари – ошиқнинг охлари, за`фарон юз узра тинимсиз оқаётган куз ёшлари – ҳазонли боғ ичра хар тарафга қараб оқаётган ариқчалар каби. Бу ташқи манзаралар еса хижрон туфайли ошиқ рухий дунёсида қўпган буроннинг изларидир. Шу зайлда

шоир бутун оламини узи каби, узини еса бутун олам каби хис қилади; инсон узини ураган борлиқ билан бирликда, бутунликда идрок етилади: оламнинг жамийки манзаралари инсонда ҳам кузатилади, олам узгаргани сингари инсон рухида ҳам узгариш. Олам билан инсон биноти бир-бирига нақадар ухшаш!

Аммо, ҳар қанча ма`нодор ва гузал булмасин, ғазал структур ва ма`новий жихатдан мана шундай ухшаш байтлардангина иборат булиб қолмайди. Шоир тасвир ё`налишини сақлаб туриб, ма`но ё`налишини узгартириш орқали, бутунликка путур етказмаган ҳолда, ғазал рухини янгилайди, фикр хулосага яқинлашиб боради: 7-байтда яна ташбех усулидан фойдаланиб, умумлаштириш шаклида висолни баҳорга, хижронни кузга ухшатади:

Васл, англа ишқ боғининг баҳоридин нишон,

Хажр, билгил, гар тилар булсанг хазонидин мисол.

Кейинги байт еса тула ма`нода фалсафий мазмун касб етган:

Бу чаман ра`нолари саркашлик етгандан не суд

Ким, хазон торожидин емин емастур бир ниҳол.

Я`ни чамандаги ҳар қандай гул ҳам, ниҳол ҳам охир-оқибатда хазонга, ё`қликка маҳкум. Абдий гузаллик, абдий навқиронлик да`воси беҳуда. Бинобарин, инсон умри ҳам мангу емас, ҳар биримизнинг қисматимиз тақдири азал қаршисида бош егишдан иборат.

Мақта`олди бу байт даф`атан хижрон туфайли инсон (ошиқ) қалбида туғилган қизгин хислар, тийрамох фаслининг – ҳар қанча маҳзун булмасин – гузал манзаралари, хазонрезги шамолларига буй бермас яшнаган сарв дарахти, умуман, тириклик нафаси уфуриб турган шиддатли ҳолат ва картиналар билан парадокс ҳосил қилади. Киши кунглида ма`юс туйғулар уйғотади. Аммо ғазал шу маҳзунлик билан яқун топмайди.

Аслида тирикликнинг ма`носи тақдири азални еслаб, теварак-атрофга шунга муносиб қарашда, умрни шунга муносиб кечиришда; инсонга

берилган барча нарсаларнинг омонатлигини англаб, илохий бир тенгликни қалбан англашда емасми? Ха, тириклик – илохий мохиятни англаш учун инсонга берилган имконият. Шоир шунинг учун тирикликни улуғлайди. Умрни инсонга берилган бир тухфа деб билади. Хаёт шодликларини хар нарсадан устун қуяди. Шундан булса керак, ғазални кутаринки рух билан яқунлайди:

Ей Навоий, бу хазон улғай бахор ила бадал

Келса давлат гулбуни шахзодаи сохибжамол.

Демак, махзунона фасли хазон бахорга мубаддал булиши – алмашилиши мумкин. Бунинг шарти нима? қачонки кунглинг истар инсонлар хузурингга ташриф буюрса. ғазал матнига кура, кунгил интизор булган бу дуст – салтанат гулбуттаси сохибжамол шахзодадир.

ғазални мазмунан соддалиги ва унча мураккаб булмаган услубига кура Навоийнинг ёшлик пайтларида ёзилган деб; агар шундай булса, “давлат гулбуни шахзодаи сохибжамол” ёш Навоийнинг салтанат дардида юрган мактабдош дусту Хусайн Бойқаро деб тахмин қилиш мумкин.

ғазал рамали мусаммани махзуф вазнида ёзилган. Парадигмаси: - Й - - қ - Й - - қ - Й - - қ - Й - (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун). ғазални уқишда ритм равонлигини та`минлаш учун боғ, хоксор, важх, барглар, шох, барг, осиб, сарв, васл, ишқ, хажр каби сузлар таркибида ута чузиқ хижолар борлигини инобатга олиш зарур булади. Я`ни уларни бо-оғ, ва-ажх, ба-арглар ва хоказо тарзида уқиш лозим. Ше`рда ташбех усули етакчилик қилади.

## **ИИИ.2. Бадиий сан`атлар ва сабабият**

Шарқ мумтоз адабиётида бадиий сан`атларнинг купсонли хиллари аниқланган. Манбаларга кура уларнинг сони юзлабдир. Масалан, Навоийнинг замондоши булган машхур ше`ршунос Атоуллох Хусайнийнинг

“Бадойе` ус-санойе`” китобида бадий сан`атларнинг сони 147та. Мақсуд Шайхзоданинг ма`лумотига кура еса, Носир Хусрав “Е`жози Хусравий” китобида икки мингдан ортиқ бадий сан`атларни аниқлаб курсатган. Биз учун мухим томони шуки, айрим бадий сан`атлар сабаб-оқибат муносабатларига асосланади.

**Мазхаби каломий.** Сабаб-оқибат муносабаталарига асосланган бадий сан`атлардан бири мазхаби каломийдир. “Мазхаби каломий” арабча суз булиб, луғавий ма`носи “дахлдорлик, алоқадорлик” демакдир. Хазрат Алишер Навоий яшаган даврнинг йирик сузшунос олимларидан бири Атоуллох Хусайний бу мазхаби каломийни ма`навий сан`атлар сирасига киритади ва уни куйидагича тавсифлайди:

“Мазхаб-и каломий каломда уз матлубининг исботи учун калом илми ахли услуби била далил келтирмактин ибораттур. Ул услуб андоғдурким, далил хақиқий булмоғи керак, е`тиборий емас, я`ни сузлагувчи е`тиқод била хақиқатта далил деб ишонғай, далил ермас деб билмағай ва ани латифлик била далил қилғай, далил хам аниқ булмоғи керактур, андоқким (рубойй):

Он бодия, ки манзил-и жононаст,  
Назд-и дил-и ман баса бех аз бустонаст.  
Зероки бувад мурод-и жонам онжо,  
Хар жо, ки бувад мурод, бехтар онаст

[Далил] фаразий булмоғи хам мумкин, андоқким (рубойй):

Доно ки асир-и сухбати нодон аст,  
Холаш батараст аз он, ки дар зиндонаст.  
Зероки бувад азоб-и тан аз зиндон,  
В-аз сухбат-и ножинс азоб-и жонаст”<sup>25</sup>

1-рубоййнинг таржимаси: “Жонон манзили булган ул дашт менинг кунглимда бустондан яхшироқдир. Чунки жонимнинг муроди ул йердадир, мурод қайерда булса, уша йер яхшироқдир.

<sup>25</sup> Хусайний А. Бадойиъ ус-санойиъ. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 137-б.

2-рубойининг таржимаси: Нодон сухбатида тутқун булган дононинг ахволи зиндондаги кишиникидан ёмонроқдир. Чунки зиндонда тан азобланса, ножинс сухбати жон азобидир”.<sup>26</sup>

Демак, мазхаби каломий шундай бадий сан`атдирки, унга кура шоир бирор холат, ходиса ёки тасвирни беради-ю, кейин шуни исботлаш учун унинг сабабини ҳам келтиради. Бу шундай сабаб булиши керакки, шоирнинг узи – агар бу хаётий сабаб булмаса ҳам – уни хақиқий, хаётий сабаб деб билмоғи керак.

Атоуллох Хусайний мазхаби каломий сан`ати биринчи марта Жохиз деган киши томонидан аниқлангани хақида ҳам ма`лумот беради. Жохиз – уз даврининг мактаб яратган, араб оламида е`тироф етилган улуғ олимларидан бири булган киши. Атоуллох Хусайний афсус билан қайд етадики, Жохиз жуда қурумсоқ, хасис киши булган, хасислиги туфайли кас-у нокас орасида кулги булиб юрган. Атоуллох Хусайний хасисликни қаттиқ қоралайди ва “Хотами Той куфр ишлари куп ва фазилати камлигига қарамай сохиб карам киши булганлиги учун машхур булиб кетган, унинг бошқа барча камчиликлари саховатлилиги туфайли е`тибордан четда қолган, шу фазилати туфайли у араб ва араб булмаган мамлакатлар орасида машхур ва манзур булиб кетган” дея, саховатни улуғлайди. Бу борада қуйидаги ше`рий парчани келтиради:

Ше`р:

Карам кун, ки карда, ту машхур аз он,  
Шавад айбхо-йи ту мастур аз он.

Ма`озу-л-лох, ар бухл созий ту кор,  
Шавад фазл-и ту чун ту бее`тибор”.

Ше`рнинг таржимаси: Карам қил, қилсанг шу билан машхурсан,  
Айбларинг шу билан ёпилиб кетади.

---

<sup>26</sup> O'sha manba, 348-b.

Худо панох берсин, агар ишинг қурумсоқлик булса,  
Фазлинг ҳам узингдек е`тиборсиз булади”.<sup>27</sup>

Куринадики, суз сан`ати хақидаги илмий асарда ҳам Атоуллох Хусайний дидактик фикрларни келтириб утган экан.

“ғазалда мазхаби каломий купинча бир байт доирасида қулланади. Далил келтириш турли кумакчи суз ва боғловчилар (нединки, не учунким, чунким, не тонг, ғариб емас, не ажаб, ажаб ермас, ким-ки ва х.к.) воситасида амалга оширилади”.<sup>28</sup>

Алишер Навоий ғазалиётида фикрни далиллаш – мазхаби каломий хилма-хил куринишларда ишлатилган. Умуман, Алишер Навоий ғазалларида сабабсиз бирор холат ёки ходисани тасвирлаб утиш кам учрайдиган ходиса. Шоир бирор тасвирни келтирар экан, албатта, бу холатга сабаб булган нарса-ходисани ҳам беришни унутмайди. Шу тариқа қаламга олинган холатлар хаётийлик касб етади.

“ғаройиб ус-сиғар”даги “Ул малохат ганжи хажрида бузуғ маскан манга” деб бошланувчи 13-ғазалнинг бир неча уринларида мазхаби каломий сан`ати қулланган:

Мехр ила мах партавидин кузни равшан қилмадим,  
Булғали мехри рухинг мохийяти равшан манга.<sup>29</sup>

ғазал тасаввуфий мазмунга ега булиб, шоир дейдики, менга сенинг куёшдай рухинг мохияти аён булгани сабабли, кузимни равшан қилиш учун куёш ва ойнинг кераги ё`қ. Бу йерда шоир Яратганнинг мохиятини англашнинг узиёқ кишининг кунгил кузини ёриштириб юборишига “е`тиқод била хақиқатта далил деб ишон”ади, “далил ермас деб билма”йди, шу сабабга кура куёш ва ойнинг равшанлигини узига зарур деб билмайди.

Алишер Навоий ғазалларини қалбга яқин қилган бир холат шуки, шоир идрок етиш оғир булган соф тасаввуфий-фалсафий ғазалларида ҳам хаётий

---

<sup>27</sup> O'sha manba, 348-349-b

<sup>28</sup> Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т., Зарқалам, 2006. – 32-б.

<sup>29</sup> Навоий А. МАТ. 20 томлик. 3-том. – 35-б.

тафсилотлар, хаётий образлардан кенг фойдаланади, хар бир давр китобхонини тулқинлантирадиган хаётий масалаларга дахл қилиб утади. Мазкур ғазалнинг ҳам давомида уқиймиз:

Рахм етиб холимға душман дуст булмоқ, вах, не суд,  
Дуст чун рахм айламай булмиштуруп душман манга.

Бу байтда умуман тасаввуфий мазмун ёқ, байт соф хаётий-реал масалалардан бахс етади. Лирик қахрамон шундай ахволга тушганки, унга хатто душманлар ҳам ачинадилар, шафқат юзасидан унга дуст булмоқчилар. Аммо бунинг фойдаси ёқ, душманларнинг дустга айланиши ҳам менинг ахволимни йенгиллаштира олмайди, чунки дустлар менга рахм қилмасдан душманга айланиб булдилар. Дустларки рахм қилмагандан кейин, душманларнинг рахм қилишдан нима фойда? Дустларки душманга айлангандан кейин, душманларнинг дуст булишидан нима фойда? Душманларнинг дустга айланишидан фойда ёқлигининг сабаби шуки, дустлар душманга айлангандирлар. Шоир ана шундай жуда оддий, ҳаммамизга таниш хақиқатни укувчи хукмига мазхаби каломий сан`ати воситасида йетказади.

Алишер Навоий мақта`да ҳам мазхаби каломийдан фойдаланган холда узи ма`кул хисоблаган ишга узи қаттиқ ишонган холатни далил қилиб келтиради:

Ей Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,  
Елга гар бу иш хунар булса, булуптур фан манга.

Лирик қахрамон қат`ий қарорга келган: ишқ хар қанча мушкил булса-да, уни тарк қилмайди. Бунинг далили шуки, у ишқини узи учун шунчаки хунар емас, хақиқий илмга – фанга айлантирган. Шоир уз қарорининг қат`ийлигига узи қаттиқ ишонган холатни далил қилиб келтиради.

Алишер Навоийнинг яна бир машхур ғазали(“Хар гадоким, бурёйи фақр еруп кисват анга”)нинг матла`ида мазхаби каломий сан`атидан усталик билан фойдаланган. Шоир бутун ғазал давомида шох ва гадони қиёслай

бориб, сийрати дарвеш булган шохликни ма`қуллайди. Алишер Навоий хатто катта жасорат билан дарвешликни, гадоликни шохликдан устун қуяди. ғазалда чиндан ҳам мустабид феодал мухитида шоирни ҳеч бир шубҳасиз дор остига олиб бориши мумкин булган дадил фикрлар баён қилинган:

Хар не шах мақсудидир, дарвешнинг мардудидир,

Кур не химматдур мунга, не нав` ерур холат анга. <sup>30</sup>

Я`ни: шох ниманики орзу қилса, дарвеш уни рад қилади. қаранг: дарвешнинг химматини-ю, шохнинг ғариб холатини!

Фақр куйи туфроғин шах мулкига бермас фақир,

Мулк, курким, тенг емас туфроғ ила қиймат анга.

Я`ни: фақир фақирлик кучасининг тупроғини бутун шохликнинг мулкига алмаштирмайди. қаранг: шохнинг бутун мамлакати-ю, мол-у давлати дарвешнинг назарида тупроқча емас!

Шох емастур бир нафас осуда дузах вахмидин,

Ей хушо дарвешким, мардуд ерур жаннат анга.

Я`ни: Шох хар вақт дузахга тушиш вахимаси билан яшайди, лекин дарвеш шундай кишики, унга жаннатнинг ҳам бир чақалик қиммати ё`қ!

Албатта, бундай исёнкорона фикрлар, нафақат тасаввуфий мазмунни, балки реал ҳаётий ҳақиқатларни, давлат ҳукмдориға оид аччиқ мулоҳазаларни ошкора акс еттирган бу байтлар нафақат Алишер Навоий яшаган даврда, хар қандай ижтимоий мухитда ҳам шоир бошига яхшилик олиб келмаслиги аниқ. Аммо Алишер Навоий жуда махорат билан мақта`да дейдики:

Гар Навоий суз узатти, фақрдин ермас деманг,

Булмағунча ҳукм шаҳдин қайда бу жур`ат анга

Демак, шоир шунчалик исёнкорона фикрларни барала айтишга жур`ат қилибдими, бунинг сабаби бор. Сабаб шуки, бундай ошкоралик, суз демократиясига шохнинг узи ё`л бериб қуйибди. Акс холда, шоирда бу

---

<sup>30</sup> Навоий А. МАТ. 20 томлик. 3-том. – 30-б.

ғазални ёзишга жур`ат булмас еди. Олдинги уч байт еса бундай якунга замин хозирлаган еди:

Мумкин ермас шахлар ичра буйла ниятлиғ, магар

Шохи ғозийким, муяссар булди бу давлат анга.

Шохлар дарвеш-ю, дарвешлар шохики, бор

Шохлиғ суврат анга, дарвешлик сийрат анга.

То шах-у дарвеш булғай айлағил, ё раб, аён

Шохдин хидмат мунга, дарвешдин химмат анга.

Дунёдаги бирор хукмдорга муяссар булмаган холат Шох ғозий – олиймақом Хусайн Бойқаро Мирзога насиб қилган. Я`ни у сувратан шох булса-да, сийратан дарвеш. Шунинг учун ҳам уни шохларнинг дарвеш, дарвешларнинг шохи дейиш мумкин. Алишер Навоий Хусайн Бойқаронинг ма`навиятини шу қадар улуғлайди. Хақни англаган улуғ шох ва дарвеш, табиийки, хурфикрликка ҳеч қачон қарши чиқиши мумкин емас. Шоир мазхаби каломий воситасида узининг давр учун бенихоя исёнкорона саналадиган фикрларини гуёки шохга тасдиқлатиб олади.

“ғаройиб ус-сихар” девонидаги “Ул паривашким, булубмен зору саргардон анга” деб бошланувчи 9 байтли 9-ғазалнинг 6 та байтида мазхаби каломий сан`ати қулланган. Шоир изчил равишда қаламга олган холат ва тасвирларнинг сабабларини курсата боради. Бу сабаблар шоирона сабаблар булиб, мазхаби каломийнинг 2 куринишига, я`ни фаразий сабабга туғри келади. Байтларни бирма-бир куриб утайлик:

Уқларингдин дам-бадам таскин топар кунглим ути,

Бордурур бир қатра су гуёки хар пайкон анга.<sup>31</sup>

Ёрнинг отган уқларидан ошиқ кунглидаги ут пасаяди, чунки хар бир уқ унга сепилган бир қатра сув каби та`сир қилади.

Бир диловардур кунгулким, ғам сипохи қалбида,

Охи новак, тоза доғидур қизил қалқон анга.

---

<sup>31</sup> O'sha manba, 32-b.

Кунгил жасоратли ва қурқмасдир, сабаб шуки ғамдан аскарлари, охдан уқлари, жарохатдан қалқони бор.

Номайи шавқум не нав` ул ойға йеткай, чунки мен

Ел отин уқур хасаддин ёзмадим унвон анга.

Ошиқнинг мактублари ма`шуқага йетиб бормайди, чунки ошиқ ма`шуқанинг отини одамлар уқимасин деб, рашқдан манзил ва исмни курсатмаган.

Хизри хаттингнинг, ажаб ё`қ, сабз-у хуррам булмоғи,

Лаббалаб чунким берур су чашмайи хайвон анга.

Лабинг устидаги туклар сабзадай усган булса, бунинг сабаби шуки, лабларинг уларга хаёт суви бериб туради.

Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин

Бағри қотмиш ғунчанинг, баским ерур хандон анга.

Булбул гулдан вафо, я`ни унга кулиб қарашини сурайди, бу мумкин емас, сабабки, ғунчанинг бағри ошиқнинг куз ёшлари ёғилганидан қотиб кетган, энди у очила олмайди.

қилмамиш жонин фидо жононға, йетмас дер емиш,

Ей Навоий, ушбу суз бирла фидо юз жон анга.

Ошиқ битта жон жононга арзимади, йетмайди деб уйлагани сабабли жонини фидо қилмаган булса, юзта жон ма`шуқанинг фидоси булсин.

Мисолга олинган байтларда қулланган “чунки”, “чунким” ёрдамчи сузлари сабабиятни, мазхаби каломийни та`кидлаб турибди.

Умуман, Алишер Навоийнинг деяри барча ғазалларида мазхаби каломий сан`ати учрайди. Бу шоирнинг бирор холатни, айтилган фикрни, тасвирни муаллақ қолдирмаслик билан характерланадиган, укувчини ишонтиришга қаратилган чуқур услубидан келиб чиқади.

**Хусни та`лил.** Хусни та`лил хам сабабиятга асосланган бадий сан`атлардан биридир. Хусни та`лил хаётий булмаган, шоирона сабабга дахлдорлиги мазхаби каломийдан еканлиги билан фарқ қилади.

“Суз сан`ати сузлиги”да курсатилишича, хусни та`лил хақидаги дастлабки ма`лумот “Таржимон ул-балоға”да учрайди. Кейинги даврда яратилган деярли барча назарий асарларда хусни та`лилга тухтаб утилган. Машхур ше`ршунос Атоуллох Хусайний бу сан`атга қуйидагича та`риф беради: “Хусн-и та`лил улдурким, бир ниманинг бир сифатин иқроп қилурлар ва ул сифатни исбот қилиш учун ул ниманинг узига муносиб бир иллат-у сабабни келтирурларким, хақиқатта ул сабаб булмағай, лекин лутф е`тибори бирла ани сабаб қилган булурлар”.<sup>32</sup> Я`ни шоир бир холат-ходиса ёки сифатга шундай сабаб курсатадики, бу сабаб хақиқий булмай, шоирона, “ёлғон” булади. “Хусни та`лил” бирикмаси таркибидаги “та`лил” – “иллат” сузи билан узакдош. Иллат бугун “камчилик, нуқсон” ма`ноларида кенг кулланади. Аслида “иллат” – арабча суз булиб, “сабаб” сузининг синоними, “та`лил” еса шу суздан ясалган харакат номи, я`ни “сабаб, далил келтириш”<sup>33</sup> демакдир. Демак, “хусни та`лил” – чиройли далил келтириш” дегани булади.

Атоуллох Хусайний хусни та`лилнинг турт турини курсатиб утади. Булар қуйидагилар:

1. Тасвирланган сифат киши ёки нарсада чиндан мавжуд булади-ю, унинг куришиб турган сабаби булмайди. Шунинг учун унга бир сабаб курсатадилар. Мисол:

Хатти мушкине навишта бар рухаш килки қазо,

То бувад аз бахри даф`и чашми бад хирзу дуо.

Таржимаси: қазо қалами унинг юзига бир мушкин хат ёзмиш, Ёмон кузни даф`етиш учун қайтариғу дуо булсин деб.

Я`ни: тасирланган кишининг юзидаги қош-у куз-у бурун-у оғиз – фалак қалами билан битилган ёзувлар чиндан бор. Аммо булар нима сабабдан юзда жойлашган? Аниқ сабаб курсатиш мушкул. Шунинг учун шоир уларга узича бир сабаб курстаяпти.

<sup>32</sup> Хусайний А. Бадойиу-с-санойиъ. – 138-б.

<sup>33</sup> O'sha manba, 349-b.

2. Тасвирланган сифатнинг асосий сабабидан бошқа – куришиб турган, аммо асосий булмаган сабаби ҳам булади ва шоир шуни курсатади. Мисол:

3-он кашам пеш-и ту хар дам ох, ей ором-и жон,  
То кунам аз дил берун мутлақ хаво-йи дигарон.

Таржимаси: ей ороми жон, сенинг қошингда хар дам ох тортишимнинг сабаби шуки, кунгилдан узгаларнинг хавосини (иштиёқини) бутунлай чиқариб ташламоқчиман.

“қулёзма хошиясида бу байтга қуйидагича изох берилган: хар дам ох тортишнинг куришиб турган сабаби бор: ғаму алами куп. Аммо мухаббатда изхор қилинадиган латиф бир ибора билан унга бошқа бир сабаб курсатилган”.<sup>34</sup>

3. Тасвир қилинган ҳолат, ҳодиса ёки сифатнинг сабаби ҳақиқатда уша булмаслиги, аммо ҳаётда бундай сабаб учраши мумкин. Мисол:

Азон шуд ром ба ман, ей Атоий оху-йи вахший,  
Ки буйи меҳр он вахший ғизол ҳам шанид аз ман.

Таржимаси: ей Атоий, ул вахший оху менга шу сабабдан ром булдики, хатто вахший ғизол ҳам мандан меҳр хидини сезди.

Демак, ма`шуқа лирик қахрамон (Атоий)га ишқ боғлаган. Шоирнинг курсатишича, бунинг сабаби – Атоийда меҳр борлигини сезганлигидир. Аслида ма`шуканинг Атоийга ром булиши сабаби бу емасдир, аммо шундай булиши ехтимолдан ҳам холи емас, чунки бу сабаб ҳаётда булиши мумкин.

4. Шоир узи тасвирланган ҳолат, ҳодиса ёки сифатга шундай сабаб курсатадики, бу асл сабаб емас ва ҳаётда ҳам бундай сабаб мавжуд емас. Я`ни мутлақо шоирона, “ёлғон” сабабдир. Мисол:

Хаёл-и он бут-и хунрез аз чашмам нашуд берун,  
Азон дар хоб ҳам резад зи чашмам қатрахи-йи хун.

Таржимаси: Ул қонтукар бутнинг тасвири кузимдан чиқиб кетмади, шу сабабдан уйқуда ҳам кузим қон томчиларини сочади.

---

<sup>34</sup> O'sha manba, 349-b.

Юқоридаги мисолларда курдикки, шоир “сабаб” масаласига алохида урғу беради, “тасвир ёки холатнинг сабаби шудир” қабилида изох беради. Аммо ба`зан шоир сабабга алохида урғу бермаслиги ҳам мумкин. Мисол:

Гуйи ки шудаст абр-и найсон,

Аз ёр жудо, ки гашта гирён.

Таржима: Найсон (апрел) булуту ёрдан жудо булганга ухшайди, шунинг учун йиғляпти.

Хусни та`лилда келтирилган далил “шоир баён қилган фикр учун реал сабаб булолмайди, балки уни қувватлаш учун келтирилган поетик далил хисобланади ва бу сабаб шоирнинг муддаоси билан туғридан-туғри емас, балки ташбихий ёки истиоравий ё`синда боғланиб, унинг фикрини қувватлайди”.<sup>35</sup>

Агар диққат қилиб қаралса, мазхаби каломий ва хусни та`лил сан`атлари мохиятан бир хил, фақат мазхаби каломийда хақиқий сабаб, хусни та`лилда хақиқий булмаган сабаб келтирилади. Бу ходисага “Адабиётшунослик луғати”да ҳам алохида диққат қаратилган: “М.к.(мазхаби каломий – М.Р.)да келтирилаётган далил *хусни та`лил*(курсив луғат муаллифларига тегишли – М.Р.)даги (қ.) каби шунчаки шоирона, туқима булмасдан, хақиқий, хаётий булмоғи ва унинг келтирилиши натижасида ше`р узига хос хикмат даражасига кутарилиши талаб етилади”.<sup>36</sup> Та`кидлаш керакки, айрим назарий манбаларда, луғатларда “хусни та`лил”га “чиройли, шоирона далиллаш”, “чиройли, шоирона далил келтириш” қабилида та`риф берилади. Бу ҳам туғри, албатта. Аммо аниқ, тушунарли та`риф емас. “Адабиётшунослик луғати”да, “Мумтоз бадиият луғати”да, “Суз сан`ати сузлиги”да мазкур бадиий сан`атга аниқ, укувчига тушунарли та`риф берилган.<sup>37</sup>

<sup>35</sup> Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т., Зарқалам, 2006. – 117-б.

<sup>36</sup> Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т., Академнашр, 2010. – 160-б.

<sup>37</sup> Қ.: Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –397-б.; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т., Янги аср авлоди, 2008. – 186-187-б.; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т., Зарқалам, 2006. – 117-118-б.

Хусни та`лил Алишер Навоий ижодида қуюқ қулланган бадий сан`атлардан бири ҳисобланади. Аслида хусни та`лил ижодкор тасаввурининг ёрқинлиги, тахайюл миқёсларининг кенглиги нишонасидир. Чунки муайян воқеа-ходиса, ҳолат ёки сифатга ҳақиқий бўлмаган сабабни топиш, уйлаб чиқариш ижодкордан турли воқеа-ходисаларни асосли, ишонарли дахлдор ета билишдан иборат алоҳида иқтидорни, фалсафий тафаккурни талаб қилади. Хусни та`лил дастлабки қарашда ҳаётий детерминизм билан алоқадор бўлмаса-да, аммо ижодкорнинг сабаб-оқибат муносабатларини қай тарзда идрок етиши, шу ходисага муносабати ва уни бадий воқелантира билиш маҳоратини узида намоён этади. Чунки сабабият ходисасини чуқур идрок етмаган ижодкор хусни та`лилни муваффақиятли қуллай олмайди.

Зулфи оллинда бинафшаки бошин солди қуйи,

Они курмакка хамоно мунга мони`дир уёт.<sup>38</sup>

Ёрнинг зулфлари шу қадар гузал қайрилганки, бинафша уни қуриши билан бошини егиб олади. Аслида бинафшани табиатнинг узи бошини қуйи егган ҳолда яратган, аммо ошиқнинг қузига бинафша уялганидан, ёрнинг зулфлари қайрилмасининг гузаллигидан хижолат бўлиб бош егиб олган. Шу тариқа шоир ҳаётий сабабни четга суриб, бинафшанинг тасвирига ёлғон, аммо гузал шоирона сабаб келтиради. Хусни та`лил сан`атининг моҳияти мана шундан иборат. Бу хусни та`лилнинг Атоуллох Хусайний томонидан курсатилган 1-турига мисол була олади – бинафшанинг егилмалигига аниқ бир ҳаётий сабаб курсатиш мушкул, аммо бу сабаб шоир томонидан курсатилган сабаб ҳам емас.

Узга кунгуллар қушин айларга сайд

Боғлади кунглим қушин ул дом аро.<sup>39</sup>

---

<sup>38</sup> Навоий А. МАТ. 20 томлик. 3-том. – 87-б.

<sup>39</sup> Навоий А. МАТ. 20 томлик. 6-том. – 21-б.

Бу байтда хусни та`лил суз ва жумланинг кучма ма`носи билан бирга келган. Ма`шуқа ошиқнинг кунгил қушини уз тузоғига тушириб олган. Бундан муддао – ошиқнинг кунгил қушини тузоққа хурак сифатида қуйиб бошқа кунгилларни ҳам тузоққа туширишдир.

Хусни та`лилнинг иккинчи турида тасвирланган ходиса ёки сифатнинг асосий сабабидан бошқа – куриниб турган, аммо асосий булмаган сабаби ҳам булади ва шоир шуни курсатади:

Икки гул кеча кулбамни гулистон айлабон,  
Олдилар жонимни бедод, улча имкон айлабон.  
Бири олам ахлининг кунгил қушин сайд еткали  
Сунбули домини гул узра паришон айлабон.

Хусни та`лилнинг 3-турида тасвир қилинган ҳолат, ходиса ёки сифатнинг сабаби ҳақиқатда уша булмаслиги, аммо ҳаётда бундай сабаб учраши мумкин.

Баски, бошни йерга урған ун билан уйғондилар,  
Саргузаштимдан кеча хамсоялар огохдур.<sup>40</sup>

Ошиқ кечалари шу даражада ох чекадики, хамсоялар бу дод-у фарёддан уйғониб кетадилар. Албатта, кимдир кечаси уйғониб кеца, қушни уйдан ешитилаётган товуш сабаб булмаслиги мумкин. Аммо бундай сабаб мутлақо булмайди, деб ҳам булмайди.

4-куриниш: шоир узи тасвирлаган ҳолат, ходиса ёки сифатга шундай сабаб курсатадики, бу асл сабаб емас ва ҳаётда ҳам бундай сабаб мавжуд емас. Я`ни мутлақо шоирона, “ёлғон” сабабдир. Мисол:

камар юзинда мушту кочтин курдум асар хар ён;  
Хамоно ул қуёш бадмаст булғонда талошибдур.

Бу байтда ойнинг юзидаги доғларга курсатилган сабаб асло ҳаётий ҳам емас, булиши ҳам мумкин емас. Гуёки қуёш қаттиқ маст булгану ойнинг юзига шапалоқ (коч) тортиб, мушт туширган емиш.

---

<sup>40</sup> O'sha manba, 126-b.

Адабиётшунос олимлар Алишер Навоий ғазалларида хусни та`лил сан`атининг қуюқ қулланганлигига е`тибор қаратганлар. Жумладан, “Суз сан`ати сузлиги”да бу ҳақда қуйидаги фикрлар ёзилган: “Навоий ше`рияида бир емас, бирин-кетин бир нечта изчил қулланган байтлар ҳам анчагина учрайди. Масалан, йетти байтли ғазалнинг уч байти ана шу сан`ат билан битилган. Биринчи байтда хушбуй мушкнинг қоралиги унинг ёр сочи олдида хато қилиши оқибати, шакарқамишнинг буғин-буғин булиши ёр қаддига сажда қилиш ҳақидаги аҳдини бузганлиги оқибати сифатида изоҳланади.

Шамнинг бошида заррин тож (олов) ва оёғи остида чарм пояндоз булиши еса унинг ёр хизматида уз хаддини билганлиги туфайли деб талқин қилинади.

Албатта, мазкур сифат ва белгилар учун келтирилган далиллар ҳақиқатдан узоқ, лекин чинакам шоирона тахайюл маҳсулидир.

“Наводир уш-шабоб”даги 7 байтли 161-ғазалнинг беш байтида хусни та`лил ишлатилган. Хусни та`лил асосида муболаға ва ташбих ётади”.<sup>41</sup>

---

<sup>41</sup> Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т., Zarqalam, 2006. – 118-б.

## ХУЛОСА

Абдулла Орипов адабий-танқидий мақолаларидан бирида ше`рият ва фалсафа муносабатлари алоҳида текширишни талаб қиладиган, қизиқарли хулосалар берадиган мавзу еканлигини айтиб утган еди. Мазкур магистрлик диссертацияси ана шу ё`налишда амалга оширилган ишлардан биридир. Ушбу ишда биз навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқов томонидан бошланган ишни давом еттириб, улуғ туркий шоир ше`рларини сабабият – детерминизм ходисаси нуқтайи назаридан текширишга ҳаракат қилдик. Кузатишларимиздан келиб чиққан енг муҳим, асосий хулоса шуки, Алишер Навоий ше`рлари заминидан узилган бирор-бир ходиса, тасвир ёки ҳолат – сабабсиз оқибат ё`қдир. Алишер Навоий улуғ файласуф шоир сифатида оламни узаро алоқадорликда, диалектик бирликда идрок етади; борлик ходисаларини сабаб-оқибат боғланишларининг мураккаб силсилавийлигида тушунади ва тасвирлайди. Шоир ғазалларида сабаб матнда ифода етиладими, матндан ташқарида қоладими – барибир, бундай муносабат мавжуд ва у узининг ифода планига ега. Боблар буйича олиб борилган кузатишлар еса куйидаги хулосаларни келтириб чиқарди:

1. Сабабият фалсафанинг асосий категорияларидан бири булиб, у жуфт тушунчани (сабаб ва оқибат) англатади, детерминизм термини билан ҳам ифода етилади. Детерминизм оламдаги нарса ва ходисаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги, та`сири ва акс та`сирини, воқеликка хос ана шундай муносабатлар жараёнидаги сабаб ва оқибат боғланишини ифода етади. Сабаб оламнинг ҳаракати ва бирон-бир вақт доирасида булган узгаришдан сунг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини та`минловчи асосий ходисани англатади. Оқибат еса ходисалар занжирида сабабнинг та`сиридан вужудга келадиган янги ходисадир, сабабнинг натижасидир. Сабаб ва оқибат боғланиши об`ектив характерга ега булиб, у нарса ва ходисалар орасидаги алоқаларда амал қилади. Нарса ва ходисалар уртасидаги

сабабий алоқаларнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар умумий характерга ега. Табиат ва ижтимоий ҳаётда сабабсиз бирорта ходиса ёки воқеа содир бўлиши мумкин эмас. Сабабият ёки сабабий боғланишлар воқеликдаги барча нарса ва ходисаларда умумий, қонуний, истисносиз амал қилувчи муносабатлардир.

2. Алишер Навоий ғазалларининг аксариятида тасаввуфий мазмун жо етилгани учун ҳам бу ғазалларда ифода топган барча ҳолат ва тасвирларнинг сабаби сифатида даставвал Аллоҳ тушунилади. Бу олам, ундаги нарса-ходисалар еса оқибат сифатида идрок етилади.

3. Сабабият категориясини туғри тушуниш бадий адабиётда, туғри баҳолай билиш адабиётшуносликда жуда катта рол уйнайди. Ёзувчи учун бунинг муҳимлиги шундаки, сабаб-оқибат боғланишлари характерни мантиқий асослашга, асар иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини туғри курсатишга, конфликтни ва сужетни ҳаёт ҳақиқатига мос ривожлантириш ва йечимни туғри белгилашга таъсир курсатади. Адабиётшунос еса бадий асарни баҳолар екан, ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат уйғунлигини, характерлар мантиғини баҳолашда, албатта, сабабият категориясига таянади. Сабабиятни туғри идрок етган ёзувчигина ҳаёт диалектикасини туғри акс еттиради. Сабаб-оқибат муносабатларининг аниқ ва ҳаётий курсатилиши адабиётшуносликда мотивировка, асослаш терминлари билан ифода етилади.

4. Лирик асарларда сабаб-оқибат муносабатларининг намоён бўлиши еса узига хос характерга ега. Хижрон, айрилиқ мавзуйидаги ошиқнинг ох-у афғонлари ифода етилган ишқий ғазалларда сабаб матнда курсатилмайди, чунки бу ҳолатларнинг барчасига сабаб – ишқдир. Ишқ еса инсоннинг иродасига боғлиқ бўлмаган объектив ходиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай ғазалларда фақат натижа (оху афғон, зорланиш) мавжуд, унинг сабаби маълум эмас дейиш туғри бўлмайди.

5. Сабабият таржибанд, қасида, рубоий, фард каби жанрларда узга хос тарзда намоён бўлади. Жумладан, таржибандда таржиб – такрорланадиган

банд сабаб-оқибат муносабатини намоён қиладиган энг куринарли восита сифатида матнга кириб келса, қасидаларда ҳам муаллиф мақсади, мулохазалари турли воситалар билан асосланган булади, уқувчи шоир фикрлари ва кечинмалари учун туртки булган сабабларни идрок ета олади. Алишер Навоий хатто фард ва рубоий каби кичик лирик жанрларда ҳам сабабиятдан махорат билан фойдалана олди. Диссертацияда шоирнинг сабаб-оқибат силсила тарзида намоён булган энг характерли рубоий ва фардлари тахлил етилди.

6. Магистрлик диссертацияси доирасидаги кузатишлар шуни курсатадики, турли ғазал типларида сабабиятнинг намоён булиши узига хосдир. Бинобарин, ҳамд ғазалларда барча оқибатларнинг сабаби битта – Аллох еканлиги асос хисобланади. Асл сабаб – Аллохдир. Бундай ғазалларда дунёнинг яратилиши ҳамда ундаги нарса-ходисаларнинг ягона сабаби, бошланғичи – Аллох еканлиги, унинг тажаллилари сон-саноксизлиги, аммо хеч бир тажалли Унинг узи булолмаслиги юксак бадий пардаларда ифода етилган, ба`зан еса Аллохнинг улуғлиги Уни борлиққа оппозицион куйиш орқали қиёс ё`ли билан бадий ифодаланеди. Уқувчи шоирнинг сеҳрли калами билан Яратгувчи ва борлиқ муносабатини умумийлик ва хусусийлик тарзида идрок етади.

7. Поетик сужетли ғазалларда сабабият бошқачароқ ё`синда куринади. ғазалда поетик сужет реал хаётинг воқеанинг баёни емас, балки шартли тасвир ё`ли булиб, лирик қахрамон кечинмаларини ифодалашнинг бир ё`ли хисобланади. У уз тасавуридаги муайян бир холатнинг романтик манзарасини чизади. Поетик сужет тасвирнинг характерига қараб лирик қахрамон психологик холатининг сабаблари ҳам турли даражада зухур етади (сабаб ва натижа қахрамон психологиясига параллел холда тавсиф қилинади ёки кечинма, холат тасвири пайтида сабабга ишора қилинади). Поетик сюжетли ғазалларнинг яна бир гурухи мавжудки, бундай ғазаллар мохият ё`тибори билан ахдига вафосиз ёрдан шикоят, унга йетишиш туйғуси

билан боғлиқ кечинмалар тасвиридан иборат. Сужетли ғазалларнинг бир гурухида идеал ҳолат батафсил тавсифланиб, ошиқ кечинмалари ана шу жараён билан боғлиқ, унинг оқибати сифатида юзага чиқса, воқеабанд ғазалларнинг бошқа гурухида асосий е`тибор ошиқнинг муайян пайтдаги кечинмалари тавсифига қаратилади ва унинг сабабига ниҳоятда ихчам тарзда — бир ибора, мисра ёки байтда ишора қилиб утилади.

8. Тавсифий ҳамда мулохаза, муҳокама характеридаги ше`рларда сабаб ва оқибат муносабати бошқачароқ, узига хос намоён бўлади. Масалан, тавсиф жараёнида шоирнинг объектга нисбатан ижобий ёки салбий муносабати ҳам, унинг психологик ҳолати ҳам (поетик тасвир воситалари, қофия, радиф ва х.к.) қуриниб туради. Баён, мулохаза услубидаги ғазалларда субъектив кечинма ва унинг сабаблари очикроқ қуринади.

9. Алишер Навоий сабабият ҳодисасига бевосита ишора қилувчи “Боис” радифли ше`рлар ҳам яратган. Аниқлашимизча, шоир девонларида мазкур радифли битта рубоий, 4 та ғазал учрайди.

- “Бадое` ул-бидоя”, 93-ғазал (бу ғазал “Наводир уш-шабоб”га ҳам киритилган, 91-ғазал);
- “Наводир ун-нихоя”, 109 ғазал ( “Бадое` ул-васат”, 90-ғазал);
- “Ғаройиб ус-сиғар”, 91-ғазал; 22-рубоий;
- “Фавойид ул-кибар”, 90-ғазал.

10. Алишер Навоийнинг айрим ғазалларида сабабият ше`р структурасини шакллантирувчи асосий восита сифатида майдонга чиқади. қаламга олинган барча ҳолат-ҳодисалар, тасвирий воситалар ана шу сабаб туфайли шаклланади.

11. Диссертацияда сабабият билан боғлиқ бадий сан`атлар ҳам таҳлилга тортилди. Булар иккита бўлиб, мазхаби каломий ва хусни та`лилдир. Мазхаби каломийда воқеа-ҳодиса ёки сифат, ҳолатнинг асл сабаби келтирилса, хусни та`лилда асл бўлмаган – уйлаб топилган шоирона сабаб келтирилади. Мазхаби каломий ижодкорнинг хаёт воқеа-ҳодисалариаро

алоқадороликни теран, фалсафий идрок етишини намоён қилса, хусни та`лил ижодкор тасаввурининг ёрқинлиги, тахайюл миқёсларининг кенглиги нишонасидир. Муайян воқеа-ходисанинг хаётий сабабларини идрок етиш ва уни бадий қайта гавдалантириш ҳам, муайян воқеа-ходиса, ҳолат ёки сифатга ҳақиқий булмаган сабабни топиш, уйлаб чиқариш ҳам ижодкордан турли воқеа-ходисаларни асосли, ишонарли дахлдор ета билишдан иборат алоҳида иқтидорни, фалсафий тафаккурни талаб қилади. Айни пайтда хусни та`лил дастлабки қарашда хаётий детерминизм билан алоқадор булмаса-да, аммо ижодкорнинг сабаб-оқибат муносабатларини қай тарзда идрок етиши, шу ходисага муносабати ва уни бадий воқелантира билиш маҳоратини узида намоён этади. Чунки сабабият ходисасини чуқур идрок етмаган ижодкор хусни та`лилни муваффақиятли қуллаш олмайди. Алишер Навоий ҳар иккала бадий сан`атни муваффақият билан қуллаган.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997.
2. Абдуғафуров А. Мисралар жозибаси ққ Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами. – Т., Фан, 1993. – 26-51-б.
3. Абу Абдуллоҳ Рўдакий. Бобо Тоҳир. Сайланма. – Т., Шарқ, 1994. – 144 б.
4. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия. – Т., Фан, 1993. – 24 б.
5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. ЎЗР ФА мухбир аъзоси Э.Фозилов таҳрири остида. 4 томлик. 1-том. – Т., Фан, 1983. – 656 б.
6. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Коллектив тўплам. – Т., Фан, 1993. – 208 б.
7. Афоқова Н. Ўқинч ва изтиробнинг навоиёна яна бир талқини ққ Афоқова Н. Мутолаа. – Т., Академнашр, 2011. – 16-22-б.
8. Афоқова Н. Ҳаётини тафсилотлар сири ққ Афоқова Н. Мутолаа. – Т., Академнашр, 2011. – 22-28-б.
9. Бобур З.М. Бобурнома. – Т., Юлдузча, 1989. – 368 б.
10. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. – Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – 304 б.
11. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиёти тарихи. – Самарқанд, Нашриётсиз, 2002. – 154 б.
12. Гулшани адаб. Чилди 1. Душанбе: Ирфон, 1975. – 412 с.
13. Жумаев Н. Ғазалда ғоя ва бадиий маҳорат мутаносиблиги ққ Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Мақолалар тўплами. – Т., Фан, 1993. – 51-67-б.

14. Ирисов А. Алишер Навоий буюк шоир ва мутафаккир (1441-1501) ққ Шарқшунослик, 1992 йил, 3-сон. – 85-98-б.
15. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т., Фан, 1983. – 168 б.
16. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т., А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – 121 б.
17. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т., Зарқалам, 2006. – 128 б.
18. Қаюмов А. Алишер Навоий. – Т., Камалак, 1991. – 176 б.
19. Комилов Н. Жон ва жонон можароси ққ Навоий А. Ғазаллар. Шарҳлар. – Т., 1991. – 92-98- б.
20. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 160 б.
21. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. – Адабиётшунослик луғати. – Т., Академнашр, 2010. – 400 б.
22. Литературный энциклопедический словарь. – Москва, Советская энциклопедия, 1987. – 752 с.
23. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т. Ўқитувчи, 1963.
24. Молчанов Ю. Б. Причинность и детерминизм ққ Современный детерминизм и наука. Том 1. – Новосибирск: Наука, 1975. – С.100-112.
25. Муллахўжаева К. Ғазал ҳикмати ққ Навоийга армуғон. – Т., А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 101-107-б.
26. Навоий А. Бадоеъ ул-бидоя ққ Навоий А. МАТ. 20 томлик. 1-том. – Т., Фан, 1987. – 724 б.
27. Навоий А. Бадоеъ ул-васат ққ Навоий А. МАТ. 20 томлик. 5-том. – Т., Фан, 1990. – 544 б.
28. Навоий А. Ғаройиб ус-сиғар ққ Навоий А. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Т., Фан, 1988. – 616 б.
29. Навоий А. Ғаройиб ус-сиғар ққ Навоий А. Хазойин ул маоний. 4 томлик. 1-том. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи: Ҳ. Сулаймонов. – Т., Фан, 1959. – 836 б.

- 30.Навоий А. Наводир уш-шабоб ққ Навоий А. Хазойин ул маоний. 4 томлик. 2-том. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи: Ҳ.Сулаймонов. – Т., Фан, 1959. – 784 б.
- 31.Навоий А. Фавойид ул кибар қ Навоий А. МАТ. 20 томлик. 6-том. – Т., Фан, 1990. – 568 б.
- 32.Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев ва СИБроҳимов. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 784 б.
- 33.Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: Порсо Шамсиев ва Собиржон Ибрагимов. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 784 б.
- 34.Навоий ва ижод сабоқлари. Мақолалар тўплами. – Т., Фан, 1981. – 160 б.
- 35.Навоийга армуғон. Мақолалар тўплами. – Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2003. – 148 б.
- 36.Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Т., Фан, 2001. – 200 б.
- 37.Орзибеков Р. Адабий меросимиз сеҳри. – Самарқанд, Нашриётсиз, 2006.–344 б.
38. Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърини жанрлари. – Тошкент, Фан, 2006. –354б.
- 39.Рипка Я. История персидской и таджикской литературы. М.: Прогресс, 1970. – 288 с.
- 40.Саримсоқов Б. Алишер Навоий ва шеърини мезонлар масаласи ққ Ўзбек тили ва адабиёти, 2004 йил.1-сон. – 16-22-б.
- 41.Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т., Нашриётсиз, 2004. – 128 б.
- 42.Фалсафа қомусий луғати. – Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик кампанияси Бош таҳририяти, 2004. –108 б.
- 43.Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т., Ўқитувчи, 1995. – 112 б.

44. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т., Ўқитувчи, 1997. – 240 б.
45. Ҳайитметов А. Навоий лирикасининг баъзи масалалари. Навоий ва ижод сабоқлари. – Т., Фан, 1981. – 10-18-б.
46. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Т., Фан, 2007. – 224 б.
47. Ҳаққулов И. “Ёшунгон эмиш қаро булутқа моҳим” қ Ҳаққулов И. Шеърят. Руҳий муносабат. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 167-173-б.
48. Ҳожиаҳмдов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т., Янги аср авлоди, 2008. – 194 б.
49. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – 368 б.
50. Ҳусайний А. Бадойиъ ус-санойиъ. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 400 б.
51. Шарипов Х. Принципҳои инъикос ва тарзи эҷод ққ Садои Шарқ, 1977, № 5. – Саҳ. 126-133-б.
52. Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳамидулла Болтабоев талқинида. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 426 б.
53. Шерозӣ Саъди. Мунтахаби ғазалиёт. – Душанбе: Ирфон, 1977. – 298 с.

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	<b>2-7</b>
<b>И боб. МУМТОЗ ЛИРИКА ВА САБАБИЯТ КАТЕГОРИЯСИ</b> .....	<b>8-22</b>
И.1. Сабаб ва оқибат – фалсафий категория сифатида .....	8-13
И.2. Мумтоз лирик жанрларда детерминизмнинг узига хослиги .....	13-22
<b>ИИ боб. ҒАЗАЛ ЖАНРИДА САБАБИЯТ</b> .....	<b>23-44</b>
ИИ.1. Хамд ғазалларда сабаб-оқибат категорияси .....	23-30
ИИ.2. Турли ғазал типларида сабаб-оқибат муносабатлари ифодаси .....	30-39
ИИ.3. Навоий лирикасида “Боис” радифли ғазаллар .....	39-44
<b>ИИИ боб. САБАБ-ОҚИБАТ КАТЕГОРИЯСИ ВА БАДИИЙ ТАСВИР ПОЕТИКАСИ</b> .....	<b>45-64</b>
ИИИ.1. Сабабият – ғазал композициясини уюштирувчи восита сифатида ....	45-52
ИИИ.2. Бадий сан`атлар ва сабабият .....	53-64
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>65-68</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар руйхати</b> .....	<b>69-72</b>